БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 31 октябрь Чоршанба

№ 208 (13.644). Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

30 октябрь куни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг сессияси ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари Ўзбекистон ССЖни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1991 йилги асосий кўрсаткичларини, шунингдек жумҳуриятнинг 1991 йилги давлат бюджети асосий кўрсаткичларини ва Ўзбекистон ССЖнинг 1989 йилги давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилишга киришдилар.

Биринчи масала юзасидан Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, жумҳурият Давлат режалаштириш комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов, иккинчи масала юзасидан Ўзбекистон ССЖ молия вазири Й. И. Маматисаев маъруза қилдилар.

Маърузалар юзасидан бўлган музокараларда Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари — А. Х. Тожиев (478-Қипчоқ сайлов округи), Ш. Шоабдураҳимов (4-Янгиобод сайлов округи), К. Саидов (450-Ал-Хоразмий сайлов округи), А. Муҳаммадқулов (311-Пайариқ сайлов округи), С. Ч. Чегебоев (205-Қарши сайлов округи), Муҳаммад Солиҳ (Салай Мадаминов) — (35-Профессор сайлов округи) қатнашдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан сессия тегишли қарорлар қабул қилди.

Сўнгра Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари бир қанча қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга киришдилар.

«Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисида» (иккинчи муҳокама) ва «Ўзбекистон ССЖда кордонлик ҳақида»ги қонунларининг лойиҳалари тўғрисида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитети раисининг ўринбосари Э. Н. Хўжаев маъруза қилди.

Музокараларда Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларидан В. А. Паттаев (245-Фрунзе сайлов округи), А. А. Аветисов (433-Риштон сайлов округи), Т. М. Тўлаганова (5-Назарбек сайлов округи), М. И. Шерматов (147-Ильич сайлов округи), Т. Норбоев (321-Каттақўрғон сайлов округи), И. А. Ғамбург (392-Ховос сайлов округи), В. С. Крупин (177-Мактаб сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини пишиқтириш учун Ўз. ССЖ Олий Кенгаши комитетларига юборишга, «Ўзбекистон ССЖда кордонлик ҳақида»ги қонун лойиҳасини эса биринчи муҳокамада қабул қилишга ва уни ҳам пишиқтириш учун Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши комитетларига юборишга, шундан сўнг умумхалқ муҳокамаси учун жумҳурият матбуотида эълон қилиб, сўнгра Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилдилар.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров «Ўзбекистон ССЖда халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Шундан кейин депутатларнинг сўровлари ижро этилиши ҳақида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессияси котибиятининг раиси Қ. Т. Ризаев ахборот берди.

«Ўзбекистон ССЖда халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза юзасидан бўлган музокараларда А. В. Ғорностаев (176-Навоий сайлов округи), С. Ш. Мирзаев (6-Оқтепа сайлов округи), М. Ж. Жўраев (224-Муборак сайлов округи) қатнашдилар.

Қонун лойиҳаси асос сифатида қабул этилди ва қўшимча равишда пухта ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг комитетларига юборилди.

Олий Кенгаш сессиялар ўртасидаги даврда Ўзбекистон ССЖ Президенти чиқарган фармонларни тасдиқлади.

Сессия ишида Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов қатнашмоқда.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

КОМСОМОЛГА ЎТИШ ЗАРУРМИ?

МАКТАБ УКУВЧИЛАРИНИНГ САВОЛЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ КЕНГАШИ АЪЗОСИ ЖАВОБ ҚАЙТАРАДИ.

Ҳурматли Александр Николаевич!

Сиздан қуйидаги саволларга жавоб беришингизни сўраймиз:

1. Бугунги кунда мактаб программаси доирасида тарих ва жамиятшуносликни ўрганишга Сиз қандай муносабатдасиз?

2. Ҳозирги пайтда комсомол сиёсий-ижтимоий ташкилотдан мактабларда маданий-оммавий ташкилотга айланди. Сизнинг фикрингиз қандай: биз ана шу ташкилотга ўтишимиз керакми ёки кириш ёшини ошириш ва ишнинг янги шаклларини излаш яхшироқ бўладими?

Свердловск-45,
64-ўрта мактабнинг 11-«а» синф ўқувчилари.

Қадрли болалар!

Менга саволлар қандай берилган бўлса, узундан-узоқ кириш сўзисиз, уларга шундай тўғридан-тўғри жавоб бермоқчиман.

1. Ҳозирги кунда мактаб программаси доирасида тарих ва жамиятшуносликни ўқишга муносабатим тўғрисида. Мен — уларни ўқиш тарафдориман.

Англашимча, мактабнинг мақсади, сизга бирор бир билимларнинг заҳирасини беришдангина иборат эмас. Балки, энг асосийси, турмушнинг ҳатто энг мушкул саволларига соғлом жавоб топа билиш, ўйлаш, таҳлил этишни ўргатиш олганмиз. Улар ўзларининг буюк кашфиётлари ва ютуқларига эришгунча қандай йўлни босиб ўтганликларидан эса ғоятда кам ва ёмон хабардор бўлганмиз.

Шу билан бир вақтда онгимизни рад этиб бўлмайдиган мулоҳазалар узлуксиз бўғиб қўярди, шу йўл билан ҳамфикрлик яратиларди, албатта бу ижодкорлик ва изланишни истисно этарди.

Ҳозир эса ҳақиқатга, билимга, ўз жавобларингга эришиш машаққатли кечмоқда. Буларнинг барчасига бўлган эҳтиёж эса фақат шахсий эмас. Агар қандай бошлаганлигимизнинг, қандай борганлигимизнинг, қандай танлаб олганлигимизнинг ва нималарни амалга оширганлигимизнинг барча майда-чуйдаларини билмай ва англамай туриб, ҳозирги мушкулликларимизнинг манбалари ҳамда сабабларини тушуниш, улардан чиқишнинг ишончли

Ҳаддан зиёдлиликлар ўртасида ҳақиқат эмас, балки муаммо мавжуд бўлади, деб тўғри айтишади. Фикримча, бу муаммо эса ана шундай.

Тўла маънодаги янги, яъни илмий концепциялар асосидаги, фактларга ва уларни чуқур мушоҳада қилиш, бюрократик эмас, инсоний тилда баён қилиб берилган дарсликлар на эртага, на индинга бўлмайди, албатта. Иш оддий эмас ва узоқ муддатни талаб қилади, бунинг устига эса ғоят кўп нарсалар юзасидан ҳали баҳс-мунозаралар бораётир.

Ҳар ҳолда, менимча, айни кунда, ҳозирги дарсликлар, режаларда тарих ва жамиятшуносликни ўқитишга мутлақо бошқача ёндашиш мумкин. Аввало фактни фарқлашни ва уни мушоҳада қилишни, талқин этишни, баҳо беришни ўрганиш керак. Фактларни билиш — уларнинг мантиқини, таъсирчанлигини, бошқа ало-

ло маънавий туйғу ва фикрлай билиш зарур. Агар тарих ва жамиятшунослик дарслари сизга у ва бошқа нарсаларни эгаллаб олишингизда ёрдам бераётган бўлса — бу ажойибдир. Биз баҳо бериш ва нуқтаи назарлар тўғрисида узоқ баҳс-мунозара юритамиз.

2. Комсомолга ўтиш тўғрисида. Менимча, ҳар бир кишининг қачон ва қаерга ўтиши, нима билан шуғулланиши шахсий виждонига ҳавола. Ҳар бир кишининг ҳаётда ўзи амалга ошириши, ҳал этиши зарур бўлган нарсалар бор. Ва бунда сиёсат ёки бошқа нарсада модага амал қилмасдан, шамол қайси томонга қараб эсаётганлигига қарамасдан ҳал этиш керак.

Бошқа жиҳатдан нуқтаи назарнинг иккинчи томонидан, мулоҳаза юритиб кўришга уриниб кўрайлик. Ҳозир комсомолни тез-тез, зўр бериб ва кўп томондан адолатли танқид қилишяпти.

Ҳа, комсомолга ўтмаслик, кутиб туриш, ишнинг янги-янги шаклларини излаш мумкин. Лекин комсомолни мактабингизда сиз кўришни истагандек ташкилотга айлантириш ва бунга уриниб кўриш ҳам мумкин. Истагингиз бўлса, албатта.

Ҳар бир кишини ўз ҳолича сайр қилиб юрган мушукка айлантиришдек қарама-қарши охирги чегарага олиб бориб қўймай, ўз ақли билан яшашни ўрганайлик.

Бу оғир бўлади. Мутлақо амалий муносабатларда ҳам ўзинг бирон бир нарсани ўйлаб топишинг, амалга оширишинг, бошқаларни ишонтиришинг, улар билан келишишинг жуда қийин бўлади. Ахлоқий муносабатларда эса янада мушкул — ахир бутун масъулият бирор бир кимсанинг эмас, балки ўз зиммангга тушади: тўғри ҳал этдимми, ўз кучимни ва имкониятларимни яхши баҳолай олдимми?

Сиз эндигина ҳаётга қадам қўйяпсиз. У сиз қандай бунёд этсангиз, ана шундай бўлади. Шунинг учун ҳам сизга мустақиллик, саховатли қалб ва ўткир ақл-идрок, битмас-туганмас ғайрат-шижоат тилайман ҳаётий муваффақият келиши шубҳасиз.

Эркинлик келди — журъат кўрсатинг.

Сизнинг барчангизга эзгу тилаклар билдириб,

А. ЯКОВЛЕВ.

(муаллифнинг ва Свердловск шаҳридаги (инд:45) 64-мактаб 11-«а» синфининг ижозати билан чоп этилмоқда).

Махсус сон № 10 (21)

ПРОЛЕТАРИИ ВСЕХ СТРАН, СОЕДИНЯЙТЕСЬ!

КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА

■ ОСНОВАНА В МАЕ 1925г. ■ ОРГАН ЦК ВЛКСМ ■ ЦЕНА 3 КОП.

№ 10 (21) спец • выпуск

дан иборат. Бироқ, буларнинг ҳаммаси шунчаки жўн иш эмас! Қанчадан-қанча йигит-қизлар ҳақиқат излашнинг чалкаш-чулкаш йўлларида адашиб, умидсизликларга тушадилар. Улар билимлар кундалик турмушда қанчалик зарурлигини унутиб қўядилар. Лекин ўйлашни биладиган инсон ҳосил қилинган бу саховатни ҳеч қачон йўқотмайди.

Бироқ, энг асосий — инсон ўз мамлакати, жамияти тарихини билмасдан туриб, ўйлашни ўрганиши мумкинми? Тарих — фактларнинг шунчаки мажмуаси ва фақат воқеаларнинг изчил баёни бўлиб қолмай, уларнинг темир одим ташлаши ҳамдир. Тарих — бу аввало инсоний руҳнинг, инсоний тафаккурнинг, инсоний онгнинг ривожланиши.

Биз, ўзим ҳақимда гапираяпман, мактаб программасидан асосан инсониятнинг буюк мутафаккирлари нималардадир хато қилганликларини, нималардадир чекланиб қолганликлари ва ҳоказоларни билиб

йўлларини топиш мумкин эмас.


Буларнинг барчаси фақат қайта қуриш ёки фақат қайта қуриш манфаати учунгина зарур эмас. Ҳозир қандай китоблар энг оммавий, ғоят харидоргир? Яқин ва узоқ ўтмиш, ўзимиз ва ўзгаларнинг, айниқса, ўз тарихимиз мавзулари ва сюжетларидаги тарихий китоблар биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. Демак, кишиларга ана шу китоблар, фильмлар зарур. Улар шунинг учун ҳам зарурки, тарихни билиб, ўзлигингни ҳам яхшироқ англайсан.

Кўпинча сўрашади: бундан 10, 20 йил аввал бўлганидек, ҳатто 50 йил муқаддам амал қилинганидек ҳозир тарих ва жамиятшуносликни ўрганиш мумкинми? Агар «бўлганидек» десак, албатта мумкин эмас. Масала шунчаки қуруқ гап бўлиб қолади. Бироқ, нима учун «бўлганидек» шартми? Нима учун «бўлганидек» ўқиш ёки бутунлай ўқимай қўйиш деган сўнгги чегарагача бориш зарур?


қалари ва сабабларини ҳам излаш лозим.

Лекин шуни ёдда тутинг: ўтмишга баҳо берар эканмиз, биз ҳукм чиқармаймиз. Биз оталар ва бобо-бобокалонларнинг маънавий дунёсидан ўзимизнинг маънавий комил ишонч билан истиқболимизни белгилаб олиш учун баҳраманд бўламиз.

Яна бир гап. Менимча, бирор бир фандан кутилган қандайдир ахборотлар, амалий маълумотлар заҳирасини олиш мумкин эмас. Барча фанлар ривожланиб бораётир. Замонавий физика ёки биология ғоялари теварагида бораётган баҳс-мунозаралар тарихни замонавий талқин қилиш теварагидаги эҳтирослардан бирон бир кам жойи йўқ. Шунинг учун ҳам баҳо беришлар, уларни талқин қилишлар бир маънода эмаслигини ортиқча фожиа деб қабул қилмаган бўлардим. Ҳар бир авлод ўз баҳс-мунозараларини ҳал этиши, ўз ҳақиқатини топиши лозим. Лекин бунинг учун авва-



КУЗГИ ЧАҚИРИҚ



ҚИСҚА САТРЛАРДА:

УКРАИНА Олий Кенгаши қарор қабул қилди: жумҳуриятдан хизматга чақириладиганлар ўз бурчларини унинг ҳудудида ўтайдилар. Бинобарин, ҳозир Украина ССЖдан ташқарида жойлашган ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларда ўз хизмат бурчини ўтовчиларнинг муайян миқдори масаласи муҳокамаси давом этаётир.

ОЗАРБАЙЖОН Вазирлар Кенгаши чақирилувчиларнинг эллик фоизини ўз жумҳуриятида хизмат қилишга олиб қолади.

«МОЛДОВА ССЖ мустақиллиги тўғрисида»ги декларацияга биноан жумҳуриятда Шўро Армияси сафларига фуқароларни чақириш тўхтатилди.

ЎЗБЕКИСТОНДАН чақирилувчиларнинг эллик фоизини жумҳурият ҳукумати ўз ҳудудида хизмат қилишга олиб қолади.

АРМАНИСТОН Олий Кенгаши Шўро Армиясига бир неча минг янги чақирилувчиларни жўнатишга тайёр. Лекин шарт шуки, улар жумҳурият ҳудудида жойлашган қурилиш батальонларидагина хизмат қилиши лозим.

В. ВЕЛЕНГУРИН ва А. МАЛЬЦЕВ суратлари.

ИЛОВА:

Кузги чақириқ қандай тугайди?

Баҳорги чақириқдан яхши бўлмайди ва бу бирдан-бир «холис» баҳо. Баҳорги чақириқ нимаси билан яхши эди? Баҳорда Латвияда Шўро Армиясига чақирилиш режаси 55,5 фоиз, Литвада — 40,7 фоиз, Эстонияда 42,1 фоиз, Грузияда — 28 фоиз, Арманистонда — 7,5 фоиз бажарилганди. Чақириқ бундан буён ҳам шу тарзда кетадиган бўлса, армиямиз «демократ»ларнинг даъватисиз ҳам профессионал армияга айланади — унда фақат зобит ва прапоршчиклар қолади.

А. ХОХЛОВ.

ЁШЛАР САЙЛИ ҚУВОНЧИ

Ўша куни гуруҳ-гуруҳ ёшларнинг борар жойи битта бўлди — Большевик ноҳиясидаги «БЛКЁИ 60 йиллиги» давлат хўжалиги маркази. Ўйинлар, кураш, кўпкари ўтказиладиган катта майдон алоҳида эътибор билан ҳозирланди.

Атрофга сурнай садолари таралди. Ёшларни хурсанд этай, деб биринчи бўлиб етиб келган тошкентлик хонанда Озода Назарова қўшиқларини йиғилганлар мароқ билан тинглашди. Алоҳида тайёрланган залда эса ёшларни яна бир тантана кутар, вилоят раҳбарларининг деярли барчаси шу ерда эди. Шу куни ёшлар сайлига келган Иштихон ноҳиясидаги Охунбобоев жамоа хўжалиги механизатори А. Бозорбоев, Каттақўрғон ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги механизатори У. Хидиров, Большевик ноҳиясидаги «БЛКЁИ 60 йиллиги» давлат хўжалиги механизатори Н. Маматовлар меҳнатларига яраша мукофот — енгил машинада уйларига қайтишди. Калитларни вилоят ижроия қўмитаси раиси Т. Қиличев топширди.

Вилоят комсомол қўмитаси илғор механизаторлари ўртасида социалистик мусобақа эълон қилиб, пул мукофотлари ажратган эди. Мусобақада Нарпай ноҳиясидаги «Партия XXIV съезди» давлат хўжалиги механизатори Бахтиёр Ниёзов ғолиб, деб топилди ва 1000 сўм пул билан мукофотланди. Хатирчилик Чориқул Рўзиммуродов, нарпайлик Тўлқин Бобобековлар ҳам пул мукофоти билан тақдирландилар. Вилоят комсомол қўмитаси илғор теримчиларни ҳам ёддан чиқармадилар.

Теримчи талабалардан 35 киши «Ёш ленинчи»га бепул обуна қилинди.

Ташқарида сайил давом этарди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Ғиёс Бойтоев ва Маҳмуджон Азимов ҳам ёшлар сайлида иштирок этиб, қувончга-қувонч улашди. Пайариқ ноҳиясидаги Челак шаҳридан келган Абдумурод Эргашев бошчилигидаги дорбозлар ҳайротомуз ўйинлар кўрсатишди. Улар жумҳурият дорбозлар кўригида бежиз, биринчи ўринни эгаллашмаганини исбот этиб, томошабинлар олқишини олишди. Энди Амирқо сафарига тайёрланишмоқда.

Халқ севган кўпкари ўйинида ҳам йигитлар ўзларини синаб кўришди.

Оммавий ёшлар сайилида Самарқанд вилоят фирқа қўмитаси биринчи котиби М. Абдураҳмонов, вилоят фирқа котиблари В. А. Плотников, С. А. Нишонов, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Н. Носировлар қатнашдилар.

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

М. С. ГОРБАЧЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев 29 октябрь куни Париждан Москвага қайтиб келди. У Испания қироли Хуан Карлос I нинг таклифига биноан Испанияга расмий ташриф буюрган эди, сўнгра Франция Президентининг таклифига биноан шу мамлакатга ташриф буюрди.

Аэропортда М. С. Горбачевни ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков, ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, ССЖИ Президентлик кенгашининг аъзолари В. В. Бакатин, В. И. Болдин, В. А. Крючков, Ю. Д. Маслюков, В. А. Медведев, Ю. А. Осипьян, Г. И. Ревенко, С. С. Шаталин, Д. Т. Язов, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Қўмитаси Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Испаниянинг ССЖИдаги муваққат ишлар вакили Э. Панез, Франциянинг ССЖИдаги муваққат ишлар вакили М. Песйк бор эдилар.

(СИТА).

Шу сонга хабар

Дабдабанинг ҳожати йўқ...

«Тошметроқурилиши» тресті жамоаси Ўзбекистон йўлининг «Тинчлик» ва «Беруний» деб аталган иккита янги бекатини биз ўрганиб қолган анъанага мувофиқ 7 ноябрь куни фойдаланишга топширмайдиган бўлди. Ана шу икки бекат декабрь ойининг охирларида ишга туширилади. Лекин бу ҳали жадвалда кўзланганидан олти ой илгари амалга оширилади.

3,2 километр узунликдаги бу йўлни фойдаланишга топшириш натижасида Ўзбекистон пойтахти юз минглаб аҳолиси учун транспорт муаммосини ҳал этиш имконияти туғилади. Тезюрар вагонлар шаҳар марказини аҳолиси жуда кўп бўлган Қорақамиш даҳаси, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кўплаб ётоқхоналар жам бўлган олий ўқув юртлари шаҳарчаси билан, «Юбилейний» спорт саройи билан боғлайди.

Зиё тарқатувчилар йиғилиши

...«Обуна мавсумини ўтказишда тартиб, уюшқоқлик сезилмаяпти. Ҳаттоки каталоглар етишмайди. Алоқа бўлимлари аксар ҳолларда одамлар ишда банд бўлган соатларда ишламоқда. Иш тартибини вақтинча ўзгартириш, лозим бўлса, жойларга бориб обуна қилиш мумкин-ку. Барча имкониятларни ишга солиш керак. Ҳали ҳам вақт бор...» Бу сатрлар жумҳурият алоқа вазири ўринбосари Ш. Ш. Исломовнинг вазирликда бўлиб ўтган селектор йиғилишида айтган сўзларининг бир бўлаги.

Дарҳақиқат, аҳвол анча ташвишли. Жамоатчи матбуот тарқатувчилар, алоқа ходимлари мушкулни осон қилишга ҳамма жойда ҳам шай турибдилар, деб айта олмаймиз. Обунани ўз вақтида расмийлаштиришга тўғоноқ бўлаётган муаммолар кўп.

Обуна муддати тугашига ҳам оз фурсат қолди. Ҳар дам ғанимат. Йиғилишда қайд этилган маълумотнома билан танишиб, Тошкент вилояти ёшлари атиги 27,5 фоизга обуна бўлганликларини билиб олдик. Нима сабабдан шундай? Қистов билан айрим рўзномаларга обуна қилдиришми, ё бошқа сабаби борми?

ҲОДИСА

Гаровга олинганлар озод қилинди

ТОШКЕНТДАГИ 1-тергов изоляторидаги тергов қилинаётганлар гуруҳи гаровга олган кишиларни озод қилиш учун ички ишлар вазирлиги бўлинмасига атиги тўрт дақиқа керак бўлди.

Жумҳурият Давлат хавфсизлиги қўмитасининг жамоатчилик билан алоқалар марказида ва Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот марказидан хабар қилишларича, 29 октябрь куни тунги соат иккиларда вазирликнинг навбатчилик қисмига тергов изоляторида фавқулодда ҳодиса юз берганлиги хабар қилинди. Беш нафар маҳбус уч кишини — тергов изоляторининг назоратчиларини гаровга олган. Назоратчилардан бири аёл киши бўлган. Қамоқдагилар изолятордан бемалол чиқиб кетиш учун машина ва қурол сўрашган.

Узоқ вақт музокаралар олиб борилганидан кейин муросага келинди — гаровга олинганлар ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида жиноятчиларга машина бериш ваъда қилинди. Бунинг устига машинани икки марта алмаштиришга тўғри келди: жиноятчиларни автомобилнинг маркаси қаноатлантирмади — улар машина ичкариси кўринмайдиган қилиб ойнаси қорайтирилган «Жигули» берилишини талаб қилдилар.

Бироқ, жиноятчилар яна бир шарт қўйишганида — гаровга олинганларни ўзлари билан олиб кетишларини айтишганида музокаралар боши берк кўчага кириб қолди. Шунда прокуратуранинг розилиги билан ва унинг ходимлари иштирокида гаровдагиларни озод қилиш юзасидан операция ўтказилди.

Соат 17 да фаол муҳофаза воситалари ёрдамида гаровдагилар озод қилинди. Икки жиноятчи ўлдирилди, қолганлари турли даражада жароҳатланди.

(ЎзТАГ).

Шу сонга хабар

ҚИРҒИЗИСТОН:

Очиқ эшиклар сиёсати

Жумҳуриятнинг биринчи Президенти ўзининг биринчи иш кунида «Комсомольская правда» рўзномасига биринчи интервьюсини берди.

Асқар АКАЕВ 1944 йилда туғилган. Тўрт фарзанднинг отаси. Меҳнат фаолиятини слесарликдан бошлаган. Ленинград аниқ механика ва оптика олий билимгоҳини тугатгач, шу ерда қолди. Шу ерда номзодлик диссертациясини ёқлади. 1976 йили Фрунзега кўчиб келди. Муҳандислик қилди, ўқитувчи бўлди, олим сифатида танилди. 1987 йили уни Қирғизистон Фанлар академиясига вице-президент қилиб, икки йилдан кейин эса президент қилиб сайлашди. Техника фанлари доктори, профессор, жумҳурият ФА академиги.

...Мураккаб, фожиаларга тўла кунлар ортда қолди. Сал бўлмаса, шимол билан жануб ўртасида фуқаролар уруши бошланиб кетадигандек эди. Кўп нарса ҳокимият тепасига ким келишига, хусусан, Қирғизистон қандай йўлдан боришига боғлиқ бўлиб қолганди.

Ҳар жиҳатдан мағлубиятга учраган аппарат жонҳолатда, аммо аҳмоқона қадам қўйишгача борди: Қирғизистон тарихида биринчи Президент тантанали қасамёд қилаётган пайтда видеокамералар ўчирилиб, жумҳурият радиоси эшиттириши тўхтатиб қўйилди. Консерваторлар халқдан шу тарзда «ўч олдилар».

— Жумҳурият раҳбари сифатида биринчи қадамни нимадан бошлайсиз?

— Албатта, маслаҳатлашувлардан бошлайман-да, чунки бу лавозимга сайланиш мен учун мутлақо кутилмаган ҳол бўлди.

— «Очиқ эшиклар» сиёсати денг?

— Шунга ўхшаб кетади.

— Қирғизистондаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни қандай таърифлайсиз?

— Вазият чиндан ҳам мураккаб. Иқтисодиёт зўрға нафас оляпти. Ўш фожиаси оқибатлари тугатилгани йўқ, бунинг устига қирғиз халқининг шимол ва жанубга ажралиб қолганлиги қўшилди.

— Президент кенгашини тузишда сиз кимларга афзаллик берасиз: олимларгами ёки тажрибали аппарат ва хўжалик ходимларигами?

— Сиёсий йўналишни олдиндан кўра биладиган, таҳлил асосида иш юритишга мойил бўлган заковатли одамларга ва ёшларга. Кенгашга барча сиёсий фирқалар, турли миллатлар, минтақалар ва аҳолининг ижтимоий табақалари вакиллари аъзо бўлишади.

— Сизнинг муваққат иш хонангиздан юз метрлар нарида турли миллатга мансуб ўнлаб ёшлар сиёсий очликни давом эттирмоқдалар...

— Мен яна улар билан учрашдим, уларнинг раҳбарларидан очликни тўхтатишни илтимос қилдим. Чунки уларнинг талабларини парламент йўли билан ҳал этиш мумкин, деб ўйлайман. Мен ҳам, Вазирлар Кенгашининг Раиси Апас Жумагулович ҳам бу йигитларнинг саломатлигидан жуда хавотирдамиз. Улар бизга фақат ёшларнинг илғор вакиллари бўлганлари учунгина керак эмас, балки...

«27 ОКТЯБРЬ — «Демократия куни» — қўлбола алвонда шу сўзларни ўқидим. Палаталардан таркиб топган лагерь арининг уяси каби безовта, тўлқинланган. Очлик эълон қилганлар Президентнинг илтимосига кўра ўз талабларидан кечишди. Аммо улар бир талаб — А. Масалиев Қирғизистон Олий Кенгаши Раиси лавозимидан истеъфо бериши тўғрисидаги талабда маҳкам турибдилар. Улар бу талабни амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тоймасликка аҳд қилишган.

К. БАЯЛИНОВ,
(Ўз мухбиримиз).

Гейдар АЛИЕВ: «Кўпчилик мен томонда эканлигини билардим»

Юрий Андроповнинг собиқ сафдоши, ўткир нигоҳли ва ҳоким юзли бу одам, чамаси, ўзининг янги курашида мағлуб бўлмоқчи эмас. Уйидаги телефон тинимсиз жиринглайди, даста-даста телеграммалар олиб келишади, остонадан эса турли-туман, шу жумладан, ҳукумат номери билан юрган машиналарнинг кети узилмайди.

— Сиз сайловларда ғолиб чиқдингиз. Бу Гейдар Алиев янгидан катта сиёсатга қайтади, деган маънони англатадими?

— Жумҳурият Олий Кенгашига сайловларда иштирок этишим, бу — сиёсий фаолият деганидир. Мен Озарбайжон ва Нахичеван мухтор ССЖ халқ депутатлигига сайландим. Ана шу лавозимда туриб озарбайжон халқи манфаатларини фаол ва зўр бериб ҳимоя қиламан.

— Бокуда сизни норозилик намойиши билан кутиб олишди. Нахичеванда эса — қучоқ очиб. Бу ерда сиз учун 95 фоиз овоз берилди. Бундай якдилликни кутганмидингиз?

— Мен бу саволни икки қисмга бўлиб, ҳар бирига алоҳида жавоб берсам дегандим.

Менга қарши намойиш бўлган эмас. Тайёра зинапоялари олдида мени кутиб олган қариндошларим депутатлар хонаси яқинида плакатлар кўтариб олган 30-50 чоғли кишилар гуруҳи йиғилганини хабар қилишди. Мен уларнинг олдига бориб, нима демоқчи эканликларини билмоқчи бўлдим. Бу менинг одатим — уларнинг кайфияти қандай бўлишидан қатъи назар, одамлар билан мулоқотдан ўзимни олиб қочмайман. Аммо бу одамлар яқин-атрофдаги қишлоқлардан махсус равишда ёллаб келтирилганлигини, улар билан суҳбатлашишдан ҳеч бир маъно йўқлигини айтишди.

Кейинроқ ўша пайтда тайёрагоҳдаги депутатлар хонасида ҳозир бўлган бокулик журналистлардан бири ҳузуримга келди. У «норози»ларнинг кўплари билан сўзлашибди. Унинг ишонч билан айтишига қараганда, бу одамлар сиёсатдан анча йироқ кишилар бўлиб, ўзларини нега бу ерга олиб келишганини билишмас экан. Уларни йиғиб тайёрагоҳга бориш кераклигини айтишибди-ю, автобусларга босиб, олиб келишибди.

Яна бир эпизод ҳақида ҳам гапириб ўтай. Шаҳарга келиб, укамнинг уйида тўхтадим. Оқшом чоғи январь қурбонлари қабрларини зиёрат қилмоқчи бўлдим. Улар қўйилган жойга одамлар сийраклашган пайтда бормоқчи эдим. Менга яқинларим ҳамроҳлик қилишди. Сўнгги қабрга таъзим бажо келтириб, орқамга ўгирилганимни биламан: йиғилишиб турган кўплаб одамларни кўрдим. Чамаси, улар 300 кишидан ортиқ эди. Улар мени чин дилдан, инсоний ҳурмат изҳор этиб, қутлашди. Саволларга тутишди. Суҳбат қизиб кетди. Гап-сўзларидан улар жумҳуриятнинг турли минтақаларидан келганликларини тушундим. Бироқ атрофимда нақд митинг ўтказишга чоғланиб турганларини пайқагач, ҳеч кимга ҳеч қандай баҳонага ўрин қолдирмаслик учун хайрлашиб, бу ердан кетишга қарор қилдим. Бокуда шу пайтгача фавқулодда ҳолат давом этяпти-да ахир. Бир кунда ана шунақа икки воқеа юз берганди...

Саволнинг иккинчи қисмига келганда, айтишим мумкинки, нахичеванликларнинг якдиллиги мен учун тасодифий ҳол эмас эди. Аксарият сайловчилар мен учун овоз беришларини билардим. Нахичеванга учиб келаётганимни ҳеч ким билмас эди. Аммо сал ўтмай, синглимнинг кичик ҳовлиси охири кўринмай турган одамлар оқимидан тўлди. Марказий майдонда эса, жуда кўпчилик — қарийб 80 минг киши мени кутиб турарди. Ўша ёққа ўтиш жуда оғир кечди, 40 минут вақтим кетди — одамларнинг мен билан суҳбатлашиш иштиёқи шунчалик кучли эди. Мен қисқача нутқ сўзладим, улар ўзларининг менга бўлган муносабатларини билдириб, ташрифимни қутладилар. Ана ўшанда мени шак-шубҳасиз сайлашларига тўла тушуниб етдим.

— Халқ депутати сифатидаги биринчи қадамларингизни нималарга қаратмоқчисиз?

— Мухтасар қилиб айтганда, гап бундоқ: биринчи навбатда жумҳуриятдаги вазиятни барқарорлаштириш ва ватандошларимнинг яшашлари ва меҳнат қилишлари учун зарур шароит яратиш лозим. Жумҳуриятни амалда бир қисмидан ажралган ва бўйсунмайдиган ҳолда ташлаб қўйиш мумкин эмас. Вазиятнинг барқарорлашувига ғов бўлаётган нарса, бу — Тоғли Қорабоғ атрофидаги вазият тўғрисидаги масала, Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро муносабат масаласидир. Тоғли Қорабоғ — Озарбайжоннинг таркибий қисми; узоқ вақт ҳозиргидек ипга осилиб туриш мумкин эмас. Бунга қандай қилиб эришишни парламент ҳал этиши керак.

Жумҳуриятда ҳар қандай зуғум ва босиб туриш бўлмаслиги учун демократия ва ҳақиқий халқ ҳокимияти ўрнатилиши лозим, албатта.

— Озарбайжоннинг келажагини қандай сиёсий кучлар билан боғлиқ ҳолда кўраяпсиз?

— Ҳозир жумҳуриятда сиёсий уюшмалар ва оқимлар кўп. Мен ҳатто уларни етарлича билмайман ҳам. Халқ фронти билан озми-кўпми танишман: унинг «Азадлиг» рўзномасини ўқийман. У нуфузли сиёсий куч. Бошқаларнинг қанчалик нуфузга эгалиги тўғрисида бир нарса дейишим қийин. Аммо ҳозир барча сиёсий кучларга ҳаракат қилишга имкон бериш керак, деб ҳисоблайман. Улардан ҳеч бири ўзгаларга ўз шартини зўрлаб ўтказмаслиги лозим. Фақат шу йўл билан Озарбайжонда демократияни ривожлантириш мумкин.

— Мамлакатнинг ҳозирги аҳволини қандай баҳолайсиз?

— Аянчли деб. Бошқача сўз тополмайман. Наинки, йил сайин, ой сайин аҳвол ёмонлашганидан ёмонлашиб бораётир. Негадир ҳеч ким нима учун энди биз янги ҳаётга айнан «жамики ёмон» кунларни бошдан кечириб боришимиз керак, деб сўрамайди.

— «Алиевчилик» ёки «Алиев тўдаси» тушунчаларига нима дея оласиз?

— Бу туҳмат, ёлғон. Ушбу мавзуда мақолалар эълон қилиш — ҳалол йўл эмас. Менинг шаънимни булғашга хизмат қилувчи бу ифлос ташаббус мамлакат сиёсий раҳбарияти томонидан маъқулланган бўлиши ҳам мумкин.

Масалага ойдинлик киритмоқчиман. 20 январда Бокуга қўшин киритилди. Одамлар ҳалок бўлди. Мени изтироб ва ғазабнок туйғулар чулғаб олди. Ўз халқим, ўз жумҳуриятим қисматига лоқайд қола олмасдим. Мен бу тадбирни ҳуқуққа зид, ноқонуний, демократия ва инсонпарварликка қарши қаратилган иш, деб баҳоладим. 21 январда Озарбайжоннинг Москвадаги доимий ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида мазкур ҳарбий тадбирни қораладим. Бу мамлакат раҳбариятининг қўпол сиёсий хатоси, деб баёнот бердим. Менинг бу баёнотим, шўро матбуотини истисно қилганда, дарҳол бутун дунёга тарқалди. Бу Марказий Қўмита раҳбариятида қаҳр-ғазаб уйғотгани ҳақидаги хабар менга ҳам етиб келди. Мана, қариндошларимнинг уйини кўриб турибсиз. Агар чиндан ҳам менинг тўдам бўлганида, қариндошларим бадавлат яшар эди, улар эса оддий одамлар каби яшашаяпти. Бас, шундай экан, қандай тўда ҳақида гап бўлиши мумкин?

— Истеъфога чиқишингизга фақат саломатлигингиз ёмонлашгани сабаб бўлганмиди?

— Йўқ, саломатлигим ёмонлашганигина эмас. Бошқа сабаблари ҳам бор эди. Уларнинг саломатлигим ва фаолиятимга алоқаси йўқ эди. Мен фаол, ҳалол, сидқидилдан ишлаётгандим ва бу ҳаммага яхши маълум эди.

В. ЛАРИН,
А. МУРСАЛИЕВ суҳбатлашдилар.
Нахичеван.



Навбатлар.. Адоғи йўқ уларнинг. Тўртта одам тўпланса, югурасиз: «Нима бераётган экан? Охири ким?» дея. Қишлоқнинг йўриғи бошқа. Бир илож қилиб ҳаммага бўлиб етказишади. Лекин катта-катта шаҳарларни сўраманг. Айниқса, пойтахтда яшовчиларга қийин бўлиб қолди ҳозир. Кўпчилик «турғунлик йилларини ҳадеб ёмонлаш одат тусига кириб қолди. Аммо ўша йилларда бугунгидек арзимаган нарсалар учун ур-йиқит, сўнгсиз навбатлар ҳеч қачон бўлмаган» дея нолиб ҳам қоладилар. На илож, замона шундай бўлса? Ҳеч қачон кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар ҳаммани ҳайратга солаётир. Бир ёқда бозор муносабатларига ўтиш масаласи ҳал бўлай деб қолди. Бир ёқда ҳар бир жумҳуриятлар (ҳатто баъзи вилоятлар ҳам) ўз Мустақиллик Декларацияларини қабул қилаётган бўлса? Эртага куннинг қандай кетиши бугун қоронғу.


Йўқ, шукр қилайлик. Нолиш бефойда. Куннинг ўтгани эмас, эртанги кун ташвиши ҳаммани қийнаши керак. Жамиятнинг янгиланишига шубҳа қилмайлик. Ташвишли кунлар ортида яхши, қувончли кунлар ҳам йўқ эмас. Аммо...

Начора, «Папирос фалон пулга чиқди. Қўй гўшти..., мол гўшти... сўм бўлибди» дейишса сира ажабланманг. Навбатларнинг насиб этса охири кўриниб қолар...

СУРАТЛАРДА: бундай қаҳвахоналарда кўнгил очишни-ку қўяверинг, бир озгина тамадди қилиш ҳам амри маҳол бўлиб қолди-я?..

Кунимиз денгиз карамларига қолмаса гўргайди...

Б. КАВАШКИН суратлари.
(СИТА).



ШАРҚ ВА БОЗОР— НОЗИК ИШ

Самарқандда ҳамма тижорат билан машғулдек, гўё. Сайёҳлар автобусларини шошилганча нон кўтариб қуршаб оладиган мактаб болаларидан тортиб, то ўз дўконларида кеч қоронғусигача бардош билан ўтирадиган қарияларгача. Яна шундай таассурот туғиладики, гўё шаҳардаги барча йўллар бозорга элтадигандек. Машҳур Регистондаги бозор албатта асрлар давомида бўлиб келганидек, ҳамон бош бозор ҳисобланади. Артист Ла Скала пиллапоясини ният этгани каби, оддий деҳқон ҳам ўз мевалари билан бу савдо Маккасига ташриф буюришни орзу қилади. Бу ерда ҳам санъатдагидек ўша синчиклаб танлаш муҳим. Туриб қолган маҳсулотлар билан, яхшиси бозорда кўриниш бермаган маъқул — устингдан кулишади.

Самарқанд аҳли учун бозор нафақат ул-бул нарса харид қиладиган жой. Бозор шунчаки янгиликлардан бохабар бўлиш ва дам олиш — хўроз уриштиришни томоша қилиш, танишлар билан кўк чой ичиш маскани ҳамдир. Мабодо бирор нарсалик бўлиш истагида эрсанг, яхшилаб савдолашишга тайёргарлик кўр. Бу ерда шундай қабул қилинган. Бозорўчар қилиш катта санъат каби ҳурматланади.

Ўзбекистонни бозор муносабатларига ўргатишнинг ҳожати йўқ. Бу муносабатлар ушбу заминда ҳеч қачон барҳам топган эмас. Дўкон ёки маиший хизмат уйини маҳаллий аҳоли ҳеч қачон номерига кўра айтмайди. Албатта унинг амалдаги хўжайини номи билан Рустамнинг дўкони ёки Аҳмаднинг КБОси деб айтишади. Соҳиблар бу дўконларни кўпинча ўз пуллари ҳисобига қуришган, уни матлубот жамиятида, ОБХССда ҳимоя қилишган. Ягона фарқ шундаки, карвонсарой пайтида хўжайин фақат шу ерлик ҳокимгагина ҳисоб берган бўлса, энди унинг ҳокимлари ўнтадан зиёд. Матлубот жамияти раҳбарларидан тортиб, санэпидстанция-ю, ёнғиндан сақлаш хизматигача.

Ҳикоя қилишларича, шаҳар пиво заводининг бош ҳисобчиси инқилобгача ҳам ишлатилган ўз столининг тортмаси икки қаватлигини билиб қолибди. Ундан учта сарғайган қоғоз — завод буйруқчисининг ўз хўжайинига ҳисоботи чиққан эмиш. Бундан таъсирланган ҳисобчини касалхонага жўнатишларига оз қолибди. Зеро, ўзининг ойлик ҳисоботи бир томдан ортиқ экан. Самарқанд бозорининг яна бир ўзига хослиги унинг бошқарилувчанлигидадир. Бунда маҳаллий фирқа органларининг раҳбарлик роли сезилади. Вақти-вақти билан улар ўз бозор қўмиталарида йиғилиб маълум нархларга келишиб олишади. Масалан, бир килограмм гўшт нархи октябрь ойининг бошларида 7 сўмдан зиёд эмасди. Қассобларга фирқа фаоллари йиғинида шундай кўрсатма берилган.

Шунга қарамай, Шарқ бозори бу йил кузда сезиларли қимматлашди. Кимдир бунда «Москванинг қўли»ни кўрса, кимдир ўз раҳбарларининг уддабурон эмаслигини сабаб қилиб кўрсатмоқда. Рости, бундай гапларни фақат бозор чойхонасидагина эшитиш мумкин. Шарқда ҳокимиятни у қандай бўлишидан қатъи назар ҳурмат қилиш одат тусига кирган. Тинглаб, ҳаммасига кўниб, ўз билганидан қолмаслик ҳам...

Балки озиқ-овқатлар ниҳоятда танқис бўлиб турган ҳозирги вақтда Самарқандда худди ғаройиб гўшадагидек талон нималигини билишмасликлари ҳам шундандир.

А. КРЕСТНИКОВ.

ЎЗГА САЙЁРАЛИК, ЧЎЧҚАЛАРНИ ОЛИБ КЕТМА!

Номаълум учувчи жисмларда истиқомат қилувчилар инсон қиёфасида ерликлар олдида бунчалик тез-тез пайдо бўлмайдилар. Брюховецк ноҳиясидаги «Завети Ильича» жамоа хўжалиги чўчқачилик фермаси ходими Алексей Алексеевич Ногага омад кулиб боқди. Тўғри, Алексей Алексеевич ҳақиқий ерлик инсон. У ўзини тентакка чиқариб қўймасликлари учун одатдан ташқари бу учрашуви ҳақида лом-лим демасликни афзал кўрди. Ҳатто уйдагилари билан ҳам дарров баҳам кўргани йўқ. Шундай бўлса-да бўлган воқеадан рафиқаси, онаси ва қизи хабар топди. Бутун станцияга бир зумда шов-шув тарқаб кетганлигини ва мутлақо ҳайратомуз воқеанинг майда-чуйдасигача сўраб-суриштириш бошланганлигини айтмаса ҳам бўлади.

Ҳаммаси 4 апрелда содир бўлган. Алексей Алексеевич саҳарда соат бешда ўзининг мопедига ўтиради ва чўчқа фермасига қараб йўл олади. Бу кун унинг навбатчилик куни эди. Ҳали тонг ёришмаган, кутилмаганда уни қандайдир ёруғлик нури кузата бошлайди. Ғоят ўткир нур гоҳ у ёнида, гоҳ бу ёнида, гоҳ олдида пайдо бўларди. Ана шундай пайтда мопеднинг мотори ўчиб қолади. Алексей Алексеевич уни ўт олдиришга уринади, лекин бунинг уддасидан чиқа олмайди. Шунда уни етаклаб юра бошлайди. Фермагача озгина масофа қолганди. Нур ғойиб бўлади. Гўёки трактор яқинлашганидек товуш пайдо бўлади. Бир неча дақиқадан сўнг эса баҳорги буғдойзорга кумуш қўрғошин рангли, диаметри, уч метр ва антеннани эслатувчи сиртида «мўйлаб» бўлган шар тушади. Шарнинг ичидан бўйи икки ярим метр бўлган аёл чиқади.

— Жойимда турибман-у, дағ-дағ титрайман, — деб ҳикоя қилади А. А. Нога. — Овоз эшитаман, оддий овоз. Аёл кишининг овози.

— Сиз қаерга кетаяпсиз?

— Ишга. Ҳув анави ёришиб турган жойга, — деб ферма томонни кўрсатаман.

— Чўчқаларни овқатлантириш керак.

Аёл бир неча дақиқа жим қолди, ниҳоят шундай деди: «Овқатлантираверинг, овқатлантираверинг. Биз уларни олиб кетамиз...» Орқасига ўгирилди ва яна шарнинг ичига кирди. Шар шовқинсиз ёпилди. Кейин юзлаб илонлар бирданига вишиллагандек овоз чиқарди. Шар юқорига, баландликка кўтарилиб, кўрфаз томонга қараб учиб кетди ва тезда кўздан ғойиб бўлди.

Алексей Алексеевич оғзини очганича турган жойида қотиб қолади. Мопедини айлантиради, шунда мотори ўт олади. Кейин кундузи ўша ерга қайтиб келади, лекин ҳеч қандай изни тополмайди.

Энг охиргиси шундай. Жамоа хўжалиги чўчқалари хайрият омон ва бут. Аммо энди ақлли «қардош»ларимизни ҳам боқадиган бўлсак ҳолимизга маймунлар йиғлаши ҳеч гап эмас.

А. БУШЕВ,
(Ўз мухбиримиз).
Краснодар ўлкаси.

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

ССЖИда қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш қўмитасини ташкил этувчи тайёргарлик комиссияси 11-14 ноябрь кунлари Москва шаҳрида қимматбаҳо қоғозлар бозори қатнашчиларининг конференцияси бўлишини хабар қилди. Бу конференция илгари 1-4 ноябрда ўтказилиши эълон қилинганди. Унда қимматбаҳо қоғозлар бозори қатнашчиларининг уюшмасини, биржа жамғармасини (ҳужжат ёки таъсис шартномасини имзолаш), шунингдек бозорга ахборот билан кўмаклашиш жамиятини (ҳуқуқий шахслар) ва қимматбаҳо қоғозлар бозори касбкор усталари уюшмасини (жисмоний шахслар) таъсис этиш мўлжалланмоқда. Ташкилот номидан ваколат олган ва тегишли ишонч қоғозига эга бўлган шахслар конференция ишида қатнашишга таклиф этиладилар. Ташкилий бадал ҳар бир қатнашчи учун 900 сўмни ташкил этади. Конференцияда қатнашишни хоҳлаганлар 1 ноябргача қуйидаги манзилга 900 сўм миқдорида бадал ўтказиш билан ўз ниятларини тасдиқлашлари керак: Р/СМБО «Оргбанк», Москва шаҳри, уй-жой-қурилиш банкининг Шаболовка бўлими. № 715304, МФО 201467.

Маблағ ўтказганлигингиз тўғрисида (тўлов қоғозининг сони ва юборилган санаси) қуйидаги телефонларга хабар қилишингизни сўраймиз: 292-88-55, 292-04-48, 975-53-22.

Пул ўтказган ташкилотлар вакиллар қачон ва қаерда йиғилиши тўғрисида қўшимча ахборот оладилар.

ДИАЛОГ

Саволлар беринг!

Каттани телевизорни яхши кўрадими?

Сизлар қандай деб ўйлайсизлар, яқин орада Ғарбдаги кинотеатрлар йўқ бўлиб кетадими! Ахир у ерда кинога ҳеч ким бормайди-ку... Дарвоқе, бизда ҳам.

В. ДОМАШЕВИЧ.
Калуга.

Савол-жавоб натижаларига кўра, 70 фоиз италиялик кинога умуман бормас экан. Кўпчилик, мабодо телевизорда фильмлар камроқ намойиш қилинса, «маданий таътилга» чиққан бўлишини таъкидлаган.

Мабодо, италиялик кинотеатрга борадиган бўлса, у ҳам хорижий эл фильмлари (бу бизга таниш) бўлади.

Италияликлар саргузашт фильмларни кўпроқ ёқтиришади.

«Беш» баҳога—мукофотми?

Эшитишимча, келгуси йилдан бошлаб мактаб ўқувчиларига ўқиганлари учун пул тўланармиш, шу ростми!

Ю. ШУЛЬГИН.
Свердловск.

Ўқишда юқори натижаларга эришган юқори синф ўқувчиларини рағбатлантириш учун стипендия тўлаш шу ўқув йилидаёқ айрим мактабларда (асосан лицейларда ва гимназияларда) амалга оширилмоқда. Буни ҳар бир мактабда амалга оширса бўлади, бунда мактаб ҳисобида қўшимча (ҳомийлар, оталиқ ташкилотлар ажратган) маблағ ва мактаб кенгашининг унга тааллуқли қарори керак. Москвадаги 1088-мактаб «Ўйин-техника» ижодий бирлашмаси билан шартнома тузган. Эндиликда 3-4 энг яхши ўқувчи ҳар ойда 50 сўмдан стипендия олмоқда. Бундан бошқа мисоллар ҳам бор.

Яқинда пойтахтдаги Москворецк ноҳия кенгаши раёсати ноҳия бюджетидан алоҳида ажратиб турган ўқувчиларга 20-25 сўмдан пул тўлайдиган бўлди.

Пресли ФҚБ жосусими?

Рок-н-ролл қироли Пресли ҳақиқатан ҳам вафот этганми! Мен бошқа тахминларни ҳам эшитганман...

Ю. КЛЯМКИН.
Тула.

Норвег адиби Ян Сёрейд ўз китобида Преслини Федерал қидирув бюроси махфий жосуси деб атаган. 60-йилларда, деб таъкидлайди Сёрейд, қўшиқчи бу маҳкамага алкогол ва гиёвандлик моддаларини истеъмол қиладиган рок юлдузлари ҳақида мунтазам равишда маълумот бериб турган.

Муаллифнинг тахминига кўра, Пресли тирик бўлиб, ҳозирги пайтда Гавай оролларидан бирида яширинганмиш. Элвис ўлмасидан бир ой олдин сотиб олган орол Америка томонидан қаттиқ қўриқланади ва у ерга боришнинг сира иложи йўқ.

Арабистонда аскарлар қанча туради?

АҚШга Қувайтдаги воқеалар муносабати билан жанговар қисмларни ушлаб туриш қанчага тушади!

А. ОРЛОВ.
Тула.

Американинг «Тайм» ҳафталикномаси қуйидаги «чиқимлар ҳисобини» келтирган.

Кимёвий ҳимоя воситаларига (кийим-кечак, противогаз, дозиметрлар учун) киши бошига 279 доллар.

Еб-ичишга — 14,3 миллион доллар.

Лабга суртиладиган бальзамга — 99,237 минг доллар.

Агар бунга қуролланиш учун қўшинларни жойлаштириш учун сарфланадиган маблағ қўшилса, унда йилига (1990 йил августидан 1991 йил сентябригача) 17,5 миллиард долларга етади.

20 метр узунликдаги индексми?

Мамлакатимизда индексларни ўқийдиган лоақал битта аппарат борми! Биз уларни бекорга ёзмаймизми!

О. КИСЕЛЕВА.
Тула.

Бор ва битта эмас. ССЖИ Алоқа вазирлиги почта алоқалари бошқармасидан хабар беришларига кўра, мамлакатимиздаги 85 та йирик шаҳар ва вилоят марказларида индексни ўқийдиган аппаратлар ўрнатилган.

Нега бунчалик кам? Гап шундаки, бундай машиналар замонавий электроникага тўла (балки шунинг учун ҳам улар йилига 5 дона ишлаб чиқарилади). Улар соатига 25 мингта хатни саралайди ва 228 йўналиш бўйича ажратади. Бундай аппаратнинг узунлиги 20 метр бўлиб, катталиги учун ҳамма жойга ўрнатиб бўлмайди.

Почта алоқаси бошқармасида таъкидлашларига кўра, индексни ёзиш албатта шарт. Сизнинг шаҳрингизда ўша техника йўқ бўлса ҳам у хатларни қўлда ажратишга ҳам ёрдам беради.

Фиделнинг шахсий ҳаётидан

ХОТИНЛАРИ, ВИЛЛАЛАРИ ВА БОШҚАЛАР ЮЗАСИДАН БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТЛАР

Фидель Кастронинг ва умуман Кубадаги барча фирқа-давлат юқори намояндаларининг шахсий ҳаётига тааллуқли ҳар қандай батафсил ахборотлар мутлақо маҳфий сақланади. Бироқ, ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, вақт ўтиши билан кўпгина маҳфий нарсалар аён бўлиб қолаётир.

Кастронинг оиласи тўрт кишидан: уч ака-ука ва сингилдан иборат. Фиделнинг акаси Рамон Гаванага яқин жойлашган қорамол ўстириш тажриба хўжалигига бошчилик қилади. Рауль Кастро Кубада «иккинчи шахс» — Инқилобий қуролли кучлар вазири. Бундан ташқари у Куба Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби, Давлат кенгаши Раисининг биринчи муовини, Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи муовини. Агар шу тузилмадаги биринчи даражали лавозимларнинг барчаси «командантега» — бош қўмондон Фидель Кастрога мансублигини айтиб ўтишнинг ҳожати борми? Кастронинг синглиси Қўшма Штатларда яшайди. У ўзининг инқилобчи акасини ашаддий душман, деб ҳисоблайди. Қулай имконият бўлди дегунча, уни «мамлакатни коммунистларга сотган» деб айблайди.

Фиделнинг биринчи рафиқаси, у билан жуда илгари вақтда ажрашишган, Испанияда истиқомат қилади. Ана шу никоҳдан команданте бир ўғилга эга. Унинг ҳам исми Фидель. Атом энергетикаси Куба маҳкамасига бошчилик қилади ва отасининг ёшлигига ҳаддан зиёд ўхшайди. Фиделнинг ўзи биринчи бор шўро аёлига уйланган, кейин кубалик аёл билан ўз ҳаётини боғлаган. Эндиликда эса испаниялик зодагон оиладан бўлган аёлга ё уйланяпти, ёки уйланади. Катта ўғлидан ташқари Фидель Кастронинг никоҳсиз бўлган Алина Фернандес Ревуэльта исмли қизи бор. Ҳозир 34 ёш атрофида.

Бош қўмондоннинг ҳозирги рафиқаси (айтганидек, Фидель уйланганлиги ўта маҳфий сақланади) Куба океаншунослик институтида ишлайди. Унинг беш ўғли бўлиб, ҳар бирининг исми «А» ҳарфи билан бошланади: Алоин, Алекс, Антолио ва ҳоказолар. Улар Шўро Иттифоқида ўқишган. Ана шу вақтларда улар билан эр-хотин жуфтлик сингари давлат хавфсизлик қўмитаси ходимлари яшашган. Улар ўзларини ота-она қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишган.


Рауль Кастрога келганда шуни айтиш кераккки, у Куба Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси ва мамлакатда хотин-қизлар ҳаракатининг «юритувчи» бўлиб ишловчи Вильме Эспинга уйланган деб ҳисоблашади. Аслида эса никоҳ бундан беш йил муқаддам ажрим бўлган ва эндиликда Фидель Кастронинг кўрсатмаси бўйича уларнинг никоҳи номигагина расмий ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Рауль «Ноошкор» болгариялик аёлга уйланган. Бундан ташқари Куба телевидениесида диктор бўлиб ишлайдиган аёлдан никоҳсиз туғилган қизи бор.

Энди Куба раҳбарлари ҳаётидан олинган хроникага чек қўйиб, Фидель Кастро тўғрисида бир неча қизиқарли фактларга тўхталиб ўтамиз. Масалан, Фидель 32 та уйга (давлатники, албатта) эга бўлиб, улар мамлакатнинг турли бурчакларида жойлашган. Гаванада унинг учта уйи ва иккита ерости бункери бор. Бирор бир «ҳодиса содир бўлса» бош қўмондон ўзининг 57 генерали билан яширинишни мумкин.

Фиделнинг бутун мамлакатдаги шахсий соқчиси 9700 киши бўлиб, шулардан 2800 киши пойтахтда. Бироқ, у бирор бир вилоятга борадиган бўлса, унинг соқчиларига ички қўшинларнинг барча бўлинмалари ва қуролли кучларнинг мазкур минтақада жойлашган қисми қўшилади. Ана шундай қилиб ягона шахснинг хавфсизлигини таъминлаш билан бир пайтнинг ўзида 28 мингга яқин киши банд бўлади. Бундан ташқари, агар Куба инқилобининг йўлбошчиси чўмиладиган, ўзининг учта елканли қайиғидан бирортасида сайр ёки сув остида ов қилмоқчи бўлса, мазкур ноҳиядаги ҳарбий-денгиз кучлари ҳам ҳаракатга келтирилади. Махсус бўлинмалардаги 122 ғаввос денгиз тагини қаричма-қарич сув ости мина ва балиқ овлаш тўрларидан тозалаб чиқади.

Яна бир деталь. Фиделнинг шахсий соқчилари ички ишлар вазирлигига Раулники эса қуролли кучлар вазирлигига қарайдилар. Бу агарда фитна уюштирилгудек бўлса, ака-укалардан бирортаси омон қолиши ва давлат бошқариши учун шундай қилинган. Мабодо армияда фитна бўлса. Фидель қолади, агар ички ишлар вазирлигида фитна бўлса, Рауль қолади.

А. НОВИКОВ.



ИРОҚ БОЛАЛАРИ

Уруш бу фалокат. Ҳаммадан ҳам болаларга қийин. Улар нималар бўлаётганини тўла тушунмайдилар. Ҳаммасини ўйин деб ўйлашади. Аммо, даҳшатли воқеалар юз бергач, уларни ҳеч қачон, бир умрга эсдан чиқаришмайди. Мурғак қалбларда муҳрланиб қолади.

Ироқда ҳам шундай воқеалар юз берди. Уруш жуда кўп оилалар бошига кулфат келтирди. Иссиқ жойларини ташлаб кетдилар. Қўшни мамлакатларда ҳам уй-жой танқис, «Хуш келибсиз!» деб кутиб олишмайди.


Ироқнинг кичкина бир давлат бўлмиш Қувайтга бостириб кириши бутун дунёни ларзага солди. Ҳатто кўпгина араб мамлакатлари ҳукуматлари ҳам Саддам Ҳусайннинг босқинчилик сиёсатини қораладилар. Аммо оддий халқ уни ҳақиқий ватанпарвар сифатида кўкка кўтарди. Ҳозирги кунда унинг номи тиллардан тушмаяпти. Ироқнинг оммавий ахборот воситалари Саддам Ҳусайнни «Энг улуғ шахс» сифатида туну-кун тарғиб қилмоқдалар. Болаларга турли хил нишонлар, суратлар совға қилинмоқда.

Ҳатто яқинда шундай бир афсона ҳам тарқалди. Форс кўрфази мамлакатларида чиқадиган рўзномаларга ишонадиган бўлсак, Ироқ президенти Саддам Ҳусайн яқинда тушида Муҳаммад Пайғамбарни кўрди, деб хабар қилади Франс Пресс агентлиги Баҳрайн давлатининг пойтахти Манамадан. Пайғамбар «Ироқ ракеталари нотўғри тарафга қаратиб қўйилган» деб айтган ва Саддам Ҳусайндан стратегик жиҳатдан муҳим бўлган айрим оролларнигина ўз тасарруфида қолдириб, «Қувайтдан чиқиб кетиш»ни талаб қилган эмиш. Бу хабарни жума куни биринчи бўлиб босиб чиқарган Баҳрайндаги «Ал Айём» рўзномасининг ёзишича, Ироқ аскарлари Қувайтда Саддам Ҳусайннинг туши тасвирланган варақаларни тарқатганлар.

Бағдодда айтишларига қараганда, деб ёзади Жидда шаҳрида чиқадиган Қувайтнинг «Ас Сиёса» рўзномаси, Саддам Ҳусайн Ироқ раҳбарларига ўз туши ҳақида гапириб берган. Кенгашда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Таха Ясин Рамадон, инқилобий қўмондонлик кенгаши раисининг ўринбосари Иззат Иброҳим ва ташқи ишлар вазири Тариқ Азиз ҳозир бўлганлар. «Тушимда пайғамбар оқ либосда кўринди ва мен унинг ташвишда эканини сездим», — деб таъкидлади, Саддам Ҳусайн.

Бу хабарни биринчи саҳифасида эълон қилган рўзнома Ироқ қўшинларини Қувайтдан олиб чиқиб кетишга Ироқ жамоатчилиги фикрини руҳий жиҳатдан тайёрлаш мақсадида мана шундай устамонлик ишлатилаяпти, деб ҳисоблайди.

Дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг ҳаракати туфайли араб дунёсида юзага келган ва бутун Ер юзига фалокат ёғдириши мумкин бўлган фожианинг олди олинди. ССЖИ Президентининг махсус вакили Е. М. Примаков икки бор Ироққа ташриф буюрди. Ҳадемай Ироқ болаларининг қўлида жанговар қурол ўрнида ўйинчоқлар пайдо бўладиган вақт ҳам келади.



С. КУЗНЕЦОВ суратлари.

ВАЗИЯТ МУРАККАБЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

БРАТИСЛАВА, 29 октябрь. (СИТА). Якшанба куни бутун Словакияда Чехословакия давлати ташкил топган куннинг 72 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Уларнинг қатнашчилари жумҳуриятдаги ички сиёсий вазият кескинлашганлигидан ташвиш билдирдилар, барча яхши ниятли кишиларни Словакия жамиятини ажратиб юбориш, муҳолифлик ва зўравонлик муҳитини вужудга келтириш тамойилларига қарши чиқишга чақирдилар.

Братислава марказида Словакия миллий кенгаши биноси олдида очлик эълон қилган кишиларнинг норозилиги давом этди. Унинг қатнашчиларидан 80 га яқин киши словак тили тўғрисидаги қонун парламентда яна муҳокама қилинишини ёки тил масаласи юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилишини талаб этмоқдалар. Бугун ва эртага Словакия пойтахтида митинглар ўтказилиб, худди шундай талаблар қўйилиши кутилмоқда.

ЖУРНАЛИСТ... ГЕНЕРАЛНИ ИШДАН ОЛДИ

— Рик, Америка армияси ҲҲК штаби бошлиғи билан юз берган ғавғо қандай бўлганини айтиб берсанг.

— О, худо шоҳид, мен бундай бўлади, деб ўйламагандим. Генерал Майкл Дуган (бизнинг матбуотимизда у гоҳ Дьюган, гоҳ Дугин деб аталган, бу фамилияни тўғри талаффуз этиш жуда мураккаб бўлганлиги учун биз Рик билан юқоридагича аташга келишиб олдик — А. К.) мени ва ҳамкасбларимдан яна уч кишини ўз тайёрасида Саудия Арабистонига боришга таклиф этди. Тўрт кундан сўнг ортимизга қайтдик ва бу орада суҳбатлашиш учун бизда кўп вақт бўлди.

— Президент ва Мудофаа вазирини нима ғазаблантирди!

— Генерал менга штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси Ироқ билан эҳтимол тутилган ҳарбий зиддиятда авиациядан фойдаланишга катта умид боғламоқда, бу оммавий уруш бўлади, деб гапирди. Дуган шахсан Ҳусайнни, унинг оиласини, хешу-ақраболарини, ўйнашини жисмонан йўқ қилиш мақсадида асосий зарба Бағдодга қаратилишини маълум қилди. Суҳбат орасида генерал бу Исроилнинг маслаҳати эканлигини ҳам қистириб ўтди.

«Б-52» тайёрасида қўлланиш учун мўлжалланган олис доирада ҳаракатланувчи реактив снарядларни Исроил АҚШга етказиб берганлиги ҳақида Дуган айтган сўзлар президент Буш ва мистер Чейнини айниқса, қаҳрлантирди.

Мақола якшанбада босилиб чиқди, худди шу куни мен Москвага учиб кетдим. Москвага учиб келгач, яъни душанба куни эрталаб Дуган ишдан олинганини билдим.

— Бу чиндан ҳам маҳфий маълумотлар эдими!

— Назаримда, маълумотларнинг бир қисми маҳфий характерда эди. Аммо: менимча — рўзнома раҳбариятининг фикри ҳам шундай — биринчидан, бу материаллар Бағдодга ҳеч қандай фойда келтирмади, чунки бирон-бир чора кўришга уларда куч йўқ, иккинчидан эса, менинг назаримда, генерал Дуган Бағдодни бомбардимон қилиш режалари ҳақида гапирганда ҳам буни ҳарбий қарордан кўра сиёсий қарор, деб ҳисоблаганди. Чунки бомба ташлаш у ёқда турсин, ҳатто бунга тайёргарлик кўриш тўғрисида ҳам буйруқ йўқ эди.

— Эҳтимол, Дуган ушбу режаларни жамоатчиликка етказиш орқали гуноҳсиз одамларни ўлимдан сақлаб қолмоқчи бўлгандир!

— Шундай нуқтаи назарда бўлган кишилар Амриқода ҳам бор. Аммо ўйлашимча, генерал шунчаки ҳикоя қилишга берилиб кетиб, нималарни гапириб юборганини билмай қолган бўлса керак.

— Рик, суҳбат диктофонга ёзиб олинганмиди! Гап шундаки, мусоҳабада бўлган киши кейинчалик ўз сўзларидан тониши ҳам мумкин, бизда, шўро матбуотида. Шунда магнит лентасидаги ёзувлар ягона далил бўлади.

— Аввалам бор, ҳа, суҳбат ёзиб олинган эди. Бизда ҳам шундай ҳол бўлиб туради. У ёки бу расмий шахс «Мени нотўғри тушунишибди» деб баёнот беради, бироқ бундай ҳол камдан-кам рўй беради.

— Унга ачинаяпсанми!

— Мен унга жуда ачинаяпман. Шундай ҳол юз берганига, у яхшигина ишдан ажралиб қолгани учун ўзимни жуда ноқулай сезяпман. Шунинг учун ҳам ачинаяпманки, Дуган чиндан ҳам матбуот билан яқин муносабат ўрнатишга астойдил интилаётган эди. Унинг ўтмишдоши журналистларни, жамоатчиликни, конгрессни ёқтирмасди. Русча таъбир билан айтганда, у ошкоралик душмани эди.

— Амирқо армияси генералитетининг сенга нисбатан муносабати бузилмасмикин!

— Яхши савол. Ўйлашимча, генераллар энди мен билан эҳтиёт бўлиб гаплашишади ва, бу эҳтимолки, менинг ишимга салбий таъсир этади. Шу кунгача ҳарбийлар Форс кўрфазидаги зиддиятни ёритишда жуда саҳийлик қилаётгандилар.

— Рик, сен аввал ҳам армияни танқид қилганмидинг!

— Бўлмасам-чи, ахир мен ҳарбий идоралардан мутлақо ҳолиман-ку.

— Унда шундай савол: материал тўплашингга сенга монелик қилишмадими, ҳалақит беришмадими!

— Баъзан. Худди сенга бўлгани каби, Андрей. Ҳеч ким ўзини танқид қилишларини истамайди. Аниқ ва ҳаққоний маълумотни олиш гоҳида жуда қийин бўлади. Ва бирор нарсани яширишга уриниш ҳарбийлар учун нотабиий бўлиб туюлмайди. Бу ерда гап махфийликда ҳам эмас.

— Рик, қандай қилиб «Вашингтон пост»нинг ҳарбий шарҳловчиси бўлиб қолгансан. Илтимос, ўзинг ҳақингда ҳам сўзлаб ўт.

— Яхши. Мен Рик Аткинсон, ёшим ўттиз еттида. Шунинг етти йилини «Вашингтон пост»да ишлаб ўтказдим. Умуман олганда, журналистика билан ўн беш йилдан бери машғулман. Отам профессионал ҳарбий, полковник бўлган эди. Мен Мюнхенда туғилдим, сўнг оиламиз Австрияда яшади. Назаримда армия мавзусига қизиқиш менда болалик даврларимдан бошланган бўлса керак.

— Сен Иттифоқда жуда кўп нарсаларни кўргансан, ҳарбий қисмларда, ҳарбий академияда бўлгансан. Айт-чи, сенинг тахминларинг, фикрларинг тасдиқландими!

— Саксонинчи йилларнинг бошларида Амирқода шўро аскарларининг бўйи ўн фут келади, деган тасаввур қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Энди бунинг акси: «Худо ёрлақаганлари уч фут чиқади» дейишади. Ҳақиқат эса оралиқдадир — шўро аскарларининг бўйи бошқа одамларники каби 5-6 фут келади.

Армиянгиз билан яқиндан танишиб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, Шўро ва Амирқо зобитлари ўртасида тафовутга қараганда ўхшаш томонлар кўп экан. Сизларда ҳам, бизларда ҳам зобитларнинг аксарияти бурч, ватанпарварлик, ўз касбининг устаси бўлиш, мажбурият, интизом каби тушунчаларга содиқдирлар. Аммо, шуни эътироф этишим керакки, Шўролар Армиясида ҳам бир қатор нуқсонлар бор. Улар худди Вьетнам урушидан кейин АҚШда бўлгани каби қайта қуришни тақозо этмоқда.

— Кучли томонларини ўзимиз ҳам биламиз, Рик. Сен яхшиси заиф томонлари ҳақида сўзла.

— Назаримда, армиянгиз, жамиятингиз, оғир касал билан оғриган. Булар — моддий, миллий, ижтимоий масалалар. Ҳарбий ишга оид масалалар хусусида эса шуни айтишим мумкинки, Шўролар Армиясида энг заиф бўғин, бу — кичик зобитлар корпуси, аниқроғи, сержант таркиби. АҚШда сержантлар, бу — армиянинг умуртқа поғонасидир.

— Бундан чиқди, маршал Жуков «Армияга мен ва сержантлар қўмондонлик қиламиз» деганда ҳақ экан-да!

— Шак-шубҳасиз ҳақ эди. Яна бир гап: армиянгизда ҳукм сураётган аҳлоқий-руҳий аҳвол ташвишлантиради: зобитларингиз ўз яшаш шароитларидан, хотинларини ишга жойлаштириш, фарзандларини эса болалар боғча-яслиларига жойлаштириш муаммоларидан бесаранжом бўлиб яшамоқдалар. Булар уларнинг ўз бурчларини бажаришга салбий таъсир кўрсатаётир.

— Агар мен сени тўғри тушунган бўлсам, бу аҳволдан чиқиш йўли бу ёлланма армия тузишдир!

— Ҳа, умуман олганда, шундай. Бироқ бунинг учун айрим тадбирларни кўриш керак. Жамиятингиз эса, ҳозир бунга тайёр эмас. Авваламбор, Амирқо армиясида аёлларга эътибор катта. Иккинчи жаҳон уруши даврида аёллар бир фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозир — ўн икки фоизни ташкил этади. Қолаверса, улар официантка ва кутубхоначи юмушидан бошқа юмушларни ҳам бажаришади. Аёл ҳарбий хизматчилар тайёра ва вертолётни бошқаришади, алоқа қўшинида хизмат қилишади, ҳатто армия қўмондонлик таркибида ҳам аёллар бор.

— Рик, биз бунга руҳан тайёр эмасмиз, деб қўрқаман.

— Амирқода ҳам бу жараён силлиққина кечмаган. Бунинг учун вақт керак. Ва иккинчи зарурий шарт, бу — пул. АҚШда ўтиш учун иқтисодий замин мавжуд эди. Шу боис катта қийинчиликларсиз дарҳол маошни ошириш, турар-жой масалаларини ҳал қилишга муваффақ бўлган эдик. Ҳозир, масалан, янги келган оддий аскар ойига 800 долларгача ҳақ олади. Полковник эса, йилига қарийб 50 минг доллар. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларга бир талай имтиёзлар берилган. Улар истиқомат жойини яхшилашдан тортиб, сифатлироқ ва арзонроқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишга қадар имтиёзларга эгадирлар.

— Охирги савол, Рик. Сенда армиямизга нисбатан бир мунча соғлом муносабат таркиб топган. АҚШ армияси тўғрисида шўро журналистлари ёзган мақолаларни ўқишингга тўғри келганми!

— Ҳа, мен «Огонёк» ойномаси мухбири Артем Боровикнинг «Мен қандай қилиб АҚШ армияси аскари бўлдим?» мақоласини ўқиганман. Муаллиф бизнинг армиямиздан мароқланибди-ю, унда мавжуд бўлган муаммоларни кўрмабди ёки кўришни истамабди. Умуман, журналистларингиз бир томонни ташлаб, энди иккинчи томонга ёпишиб олганга ўхшаб туюлади. Авваллари Амирқода фақат ишсизлик ва ирқчилик ҳукм сурганлиги ҳақида ёзишса, ҳозир Амирқони ердаги жаннат сифатида тасвирлаяптилар. Амирқо — буюк мамлакат, бироқ ҳақиқат ҳамиша оралиқдадир.

Андрей КРАЙНИЙ суҳбатлашди.

Кўзларим равшан кўради—уни сотиб олинг

Ҳиндистон матбуотида пайдо бўлган ахборотни АҚШда қул сотиш қайта тикланганилиги тўғрисидаги хабар билан қиёслаш мумкин бўларди: Мадрас клиникаларида жонли донорлардан олинган аъзоларини бошқа кишиларга ўтказиш операциялари амалга оширилмоқда.

Таниш ҳинд журналистига: — шу тўғрими? — деб қўнғироқ қиламан.

— Шундай бўлиши мумкин, — деб жавоб қилди у, — айтгандек, текшириб кўриш керак, албатта. Аммо инсон аъзолари билан савдо қилувчилар мафия билан боғланган бўлиши мумкинлигини назарда тут. Қаерда пул кўп бўлса, ўша ерда деярлик ҳамиша жиноий дунё қўли бўлади. Вилливакамга боришга ҳаракат қилиб кўр. Бу Мадрас чеккасидаги қишлоқ.

Мадрасга қараб учаман. Велосипедчилар ва маҳаллий ҳунармандларнинг буюмларини сотувчилар билан тўлган қишлоқни топаман. Дўкончалардан бирида менга гўёки ўзининг буйрагини сотган аёлнинг манзилгоҳини кўрсатишди.

Ҳинд қашшоқларининг на кўча эшиги, на девори бор. Торгина йўлкадан ҳовлига, тўғри бурчакли ҳовличага, зимзиё кулбага кираман. Кўзларим қоронғуликка ўрганади. Уйда истиқомат қилувчилар билан саломлашаман. Сочлари қисқа қилиб қирқилган бу аёлнинг учта гўдак боласи бўлиб, эри шундай сўрида ухлаб ётарди. Деворда Индира Ганди ва Раджив Ганди суратлари. Қоронғу хонада сўридан ташқари яна стул ва бурчакда чоғроққина стол — бор-йўғи шу.

Аёлнинг исми Чандра. У икки йил муқаддам ўз буйрагини сотишга қарор қилган. Шундай қилиб кўп пул ишлаб олиш мумкинлигини эшитган. Ахир ўз буйракларини сотишган унинг танишлари ҳозиргача барҳаёт, бунинг устига пул олишди ва уларни сарфлаш фойдали бўлди-ку, деб ўйлади. Нима учун айни шундай тарзда маблағ ишлаб қолиш фикри юзага келди? Чунки пул топишнинг бошқа иложи йўқ. Эри амалда ҳеч вақо олмайди, бунинг устига-устак ичади ҳам. Болалари ёш, каттаси беш ёшда, улардан қандай қилиб ёрдамчилар чиқади? Ўзининг иш топиши амримаҳол. Мана шундай қилиб шу қарорга келган.

— Сизнинг буйрагингиз учун қанча ҳақ тўлашди?

— 20 минг рупий.

— Сиз бу пулларни қандай сарфладингиз?

— Чоғроққина ер участкаси сотиб олдим. Эҳтимол у ерга уй қурармиз.

— Лекин уй қуриш учун яна маблағ зарур-ку...

— Ҳа, шундай. Эҳтимол эримнинг буйрагини ёки... сотармиз.

— Ёки деганингиз нима?

— Бизнинг яна кўзларимиз бор.

Вилливакам аҳолисига инсон аъзоларини ўтказиш юзасидан жарроҳликни амалга ошираётган госпиталь номини менга ўзининг буйрагини 20 минг рупийга сотган Чандранинг қўшниси Малика айтди. (Ана шу сумма рангли ойнаи жаҳон сотиб олиш ёки Мадрасдан Деҳлига бориб-келиш учунгина зўрба-зўр етиши мумкин). Мен Маликадан ўз буйрагини сотган ҳамқишлоқларингиз кўпми, деб сўрадим. У ҳаммасини аниқ билмаса-да, ҳар ҳолда яна икки кишини билар экан.

Икки фарзанднинг онаси, 30 ёшли Удайя Амби эри ишдан маҳрум бўлганда ўз буйрагини сотишга қарор қилган.

— Ўз шаънимга доғ туширмай сотишим мумкин бўлган ягона бир нарсам — буйрагим қолган эди.

Удайя Амби ўз буйраги учун 27 минг рупий олган. Нарх-наво ўсиб бораяпти. Бир неча кун муқаддам инсон териси ва инсон кўзларининг ҳақиқий «нархларини» билдим. Кўз госпиталининг офтальмология бўлими бошлиғи доктор О. П. Кулшрестахага 20 ёшли йигит мурожаат қилиб (доктор унинг исмини айтмасликни лозим топди), кўзларини юз минг рупийга сотиб олишни илтимос қилган. Мана яна бир гувоҳлик. Бу гал ҳинд журналисти Раж Чангаппа. Нилурлик (Андхра Прадешь штати) Шанкар Вилайюдхан деган кимса ўз буйрагини сотган ва ана шу пул ҳисобидан чойхона очиб, унга шундай деган: «Мабодо бирор бир кимсага менинг кўзларим керак бўлса, унинг баҳоси тўғрисида гаплашишим мумкин, улар равшан кўради».

Чандранинг уйида бўлган вақтимда фақат Пандалай госпиталининг манзилгоҳигина эмас, балки инсон аъзоларини кўчириб ўтказувчи киши — доктор К. С. Редди эканлигини ҳам билиб олгандим.

Орадан ярим соат ўтгач, госпиталнинг қабулхонасида бўлдим ва навбатчи ҳамшира мухбирлик карточкамга ўйчан тикилди.

— Сиз доктор Редди билан нима ҳақда гаплашишни истардингиз?

— Жонли донорлардан киши аъзосини ўтказиш тўғрисида.

— Доктор Редди ҳозир госпиталда йўқ, эртага у жарроҳлик билан банд бўлади. Мабодо сизнинг ортиқча вақтингиз бўлса, индингача кутинг. Эҳтимол у мусоҳаба беришга рози бўлар. Бундан бошқа аниқроқ ҳеч нима айтолмайман.

Орадан бир кун ўтгандан кейин ҳар ҳолда доктор Редди билан учрашишга муваффақ бўлдим.

— Ҳа, биз ана шундай жарроҳликларни амалга оширамиз. Тахминан йилига 160 та. Уларнинг катта кўпчилиги муваффақиятли ўтади.

— Донорлар билан сизнинг бирор бир муаммоингиз борми?

— Даставвал бўлган эди, лекин ҳозир йўқ. Одатда биз икки хил донорларнинг хизматидан: биринчиси — бу буйрак ўтказиш зарур бўлган қариндош-уруғларидан фойдаланамиз. Иккинчиси қариндош-уруғлик алоқаси бўлмаган беморлар билан.

Қардош ўз қардошига ўз буйрагини бериши — бу тушунарли ва инсоний ҳамдардлик белгиси. Лекин қариндош-уруғчилиги мутлақо бўлмаган жонли кишиларга ўз буйрагини сотиш сизга ахлоққа зид тажриба бўлиб кўринмайдими?

— Йўқ, бундай бўлиб кўринмайди. Ҳиндистонда йилига 80 минг киши буйраги касаллиги туфайли ўлим ёқасида туради. Менимча уларга: ҳеч қандай кўмак беролмайман. ажалингизни кутаверинг, деб айтиш ахлоқсизлик бўлур эди.

— Бошқача маънодаги савол бермоқчиман: сизнинг фикрингизча, донорлик муаммоси фақат тиббиётми ёки ҳар ҳолда ижтимоий этиками?

— Сиз нимани назарда тутаётганлигингизни тушуниб турибман. Ҳа, ўзининг аъзоларини сотаётган донорлар қашшоқлар ва буни бирор бир кимсани омон сақлаб қолиш учун кўпинча шундай қиладилар. Ҳаёт мана шунақа.

Агар охиригача аниқлик киритадиган бўлсак, ҳаёт шундайки, бугунги Ҳиндистонда йилига тахминан 2 минг буйрак сотилади. Ана шу бизнесдан тушадиган даромадлар эса қарийб 400 миллион рупийни ташкил этади. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Ой сайин буйрагини, кўзини, терисини сотишни истовчи донорларнинг миқдори ўсиб бормоқда. Улар ҳозир қанча? Бундай рақамни ҳеч ким айтолмаслиги мумкин. Бироқ шу нарса маълумки, фақат йирик ҳинд шаҳарларида қарийб 51 миллион киши очлик чегарасида турибди. Қишлоқ жойларида бундай кишиларнинг миқдори уч юз миллиондан зиёд. Мамлакатда ўттиз бир миллион ишсиз рўйхатга олинган. Бироқ кузатувчиларнинг фикрига кўра, ўз кучини сота олмайдиган кишиларнинг миқдори эса бундан ҳам кўп. Бу ҳақорат сингари эшитилиши мумкин, аммо нима қилмоқ керак: уларнинг кўпчилиги механизмларнинг тушиб қолган эҳтиёт қисмлари сингари ўзини сотишга мажбур.

Доктор Радднинг мамлакатда баобрў рақобатчилари, унинг ҳамкасабалари Жейлок госпиталида Б. Колабаваллах, доктор Чикат Ваз бор. Улар жонли донорларнинг аъзоларини сотишни зудлик билан тақиқлаш зарур, деб ҳисоблайдилар. Бу қонунга зид, номус ва ахлоқсизликдир. Шунга қарамай, Ҳиндистонда ана шу бизнес билан шуғулланиш дунёда етакчи ўринни эгаллади ва эндиликда экспорт операциялари билан шуғулланишга киришилди.

Мен Пандалай госпиталининг ҳовлисига чиққанимда ёш йигит менга мурожаат қилди:

— Кўриб турибман сиз журналистсиз-а? Унда танишиб қўяйлик. Мен непаллик ҳамкасабангиз бўламан, пойтахт рўзномасида ишлайман. Сизни инсон аъзосини кўчириб ўтказиш қизиқтирадими?

Бижай Арьял эса менга доктор Редди айтиб «улгурмаган»ларини гапириб берди. У Мадрасга рафиқаси Сунитани келтирган. Бу аёл буйрак ўтказишга муҳтож. Яқин кунларда жарроҳлик амалга оширилиши керак. Донор бор. Бижай донорнинг буйраги учун 27,5 минг рупий тўлаган. Жарроҳлик учун яна 45 минг тўлаши лозим. Донорни текшириб кўриш учун 8 минг, тикланиш даврида даволаш учун 40 минг, дори-дармонлар учун яна 10-15 минг рупий тўлаши, бунга қўшимча солиқ, шунингдек, госпитал фойдасига 1,5 минг рупий ўтказиши керак. Биз Арьял билан сарф бўладиган харажатларни жамлаб чиққанимизда 135 минг рупийни ташкил этди.

— Буларнинг ҳаммаси менда бор, ҳатто қарз олишимга тўғри келди, — деди у.

Мен эса ўйлаб қолдим: бирор бир кор-ҳол рўй бергудек бўлса (Худо кўрсатмасин!), ягона буйракка эга бўлган Чандра ана шунча миқдордаги пулни кимдан қарзга олади? Ҳаттоки кўзларини ва терисини сотганда ҳам етмайди. Юрагини сотиши керакми? Айтгандек, бу ерда юракка бўлган эҳтиёж яқин ўртада юзага келмаса керак. Ҳозирча инсон кўзлари ва буйраклари сотилмоқда ва сотиб олинмоқда, — юрак зарур эмас.

Ю. ЛЕПСКИЙ,
(Ўз махсус мухбиримиз).
Деҳли.

Номаълум уруш

КИМ БИЛАН ЖАНГ ҚИЛДИМ —ҲАНУЗ БИЛМАЙМАН

Зобит Николай ТРАВИН уч йил Мозамбикда хизмат бурчини ўтади...

Бундан йигирма йил муқаддам мени бригада штабига чақиртиришди. Мен ўшанда техник дивизионда зобит эдим. Кадрлар бўлими хизматчиси остонадаёқ «иссиқ ва намчил иқлимли мамлакатга қизиқарли командировка»ни таклиф этди. Пича ўйлаб, рози бўлдим.

Тахминан бир йилдан сўнггина кадрлар билан шуғулланувчи органлар мени эслашди. Ишларимни топшириш ва зудлик билан Бош қўмондонлик бошқармасига етиб боришим ҳақида телеграмма олдим.

Бир неча кундан кейин Москвага келдим. Ниҳоят, ҳарбий мутахассис сифатида Мозамбик жумҳуриятига боражагимни билдим.

Биз зенит ракета бригадаси йўриқчиси сифатида Мапуту осмонини қўриқлашимиз лозим эди. Бош ҳарбий маслаҳатчи бригада яқинда ташкил этилганлигини, шунинг учун бизга осон бўлмаслигини рўйрост айтиб, огоҳлантирди. Энг қизиғи, бир оғиз португалча билмасдим. Тўғри, мозамбиклик ҳамкасабаларимнинг сўз бойлиги бир мунча дуруст эди (уларнинг кўпчилиги ССЖИда олти ойлик тайёргарликдан ўтишганди), лекин барибир ўзаро мулоқот учун бу етарли эмасди.

Дивизион ҳар томондан жунгли билан ўралган собиқ португал тўпчилар омборига жойлашганди. Унга олиб борувчи ягона сўқмоқ йўлга битта юк машинаси зўрға сиғарди.

Дивизион аскарлари ва зобитлари кимлардан ташкил топган эди? Уларни профессионал ҳарбийлар, деб бўлмасди. Улардан ҳеч ким махсус маълумотга эга эмас эди. Олтинчи-еттинчи синф маълумоти бўлган кишига ҳеч бир истисносиз зобит унвони бериларди. Дарвоқе, ҳарбий кийимларда унвонларни билдирувчи белгилар мутлақо йўқ бўлгани учун мен узоқ вақтгача ким командиру, ким оддий аскарлигини билмай юрдим.

Қўл остимдагилар на ҳарбий интизом, на сафда қад рослаб юриш тўғрисида тасаввурга эга эдилар. Шахсий таркибдаги 180 одамдан бир неча ўн нафари муттасил дивизиондан ташқарига санғиб кетарди. Уларни тутиб олиб, бир-икки ой шаҳар турмасига қамаб қўйишар, сўнгра яна қисмга қайтариб олиб келишарди. Аммо кечаги деҳқонлар ҳарбий ҳаётга кўника олишмас, пайт пойлаб, яна қочиб қолишарди.

Мозамбик ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари маҳаллий шароитда ўзини оқлаган бизнинг «Нева» зенит ракеталари билан қуролланганди. Ўқотар қуроллар ҳам асосан бизда ишлаб чиқарилган Калашников автоматлари ва Макаров тўппончаларидан иборат эди.

Чунончи, автоматлар билан ғалати бир воқеа ҳам юз берганди. 1979 йил ёзда бригада қўмондонлигидан бўлинмаларда шахсий қуроллардан отиш бўйича машғулот ўтказишга кўрсатма олдик.

Айтилган сўз — отилган ўқ. Отиш учун жой ҳозирладик, нишонларни мустаҳкамладик. Бироқ ҳаммасидан ҳам дивизиондагилардан деярли ҳеч ким мўлжални тўғри ололмаганлиги қизиқ бўлди.

— Рус автоматлари ёмон, — деган норозилик эшитилди у ер-бу ердан.

Кўнгилсиз вазиятдан чиқиш учун мен йигитларни ёнимга чақирдим.

— Кимда энг ёмон автомат? — сўрадим, керакли сўзларни аранг топиб. (Бу вақтда португалчада озми-кўпми гапира бошлаган эдим).

— Энг ёмони меники, — деб қичқирди бир мулат.

Шунда мен унинг автоматини олиб, магазинига ўқларни жойлаштирдим-да, ҳаяжонимни базўр яшириб, отиш жойини эгалладим. Аслида ёмон отмасдим, аммо чиндан ҳам нуқсонли автомат бўлса-чи, деган хаёлдан чўчир эдим.

Отиб бўлишим билан бутун дивизион нишонга қараб чопди. Нима юз берганини ҳис қилиш учун пайдо бўлган тешикларни бармоқлари билан пайпаслаб кўраётган мозамбиклик аскарларни кўриш керак эди. Шу воқеадан кейин шўро қуролларининг ёмонлиги тўғрисида бошқа таъна эшитмадим.

Шўро ҳарбий мутахассислари қарийб амалга ошириб бўлмайдиган ишнинг уддасидан чиқдилар: икки ойдан кейин Мозамбик ҳаво ҳужумидан мудофаа бригадаси (деярли партизан қўшилмаси) жанговар навбатчиликда турадиган бўлди.

Албатта, бўлинманинг юксак жанговар тайёргарлиги тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасди — озгина носозлик, ҳатто предохранителнинг куйиши ҳам мутахассисларимизнинг аралашувисиз бартараф этилмас эди.

Мен Мозамбикда ўтказган бутун уч йил мобайнида жумҳуриятга қарши эълон қилинмаган уруш давом этди. Оппозициянинг кўпдан-кўп жиноятчи қўшилмалари, Жанубий Африка Жумҳуриятининг махсус «коммандос» отрядлари ўт қўйиш, талончилик ва ўлдириш билан безовта қилиб турдилар.

Бу бедодликлар менинг дивизионимни ҳам четлаб ўтмади. Бир неча марта эрта билан позицияни кўздан кечиргани борганимда, аскар ва зобитлардан кимнидир ўлдириб кетишганини хабар қилишди. Одатда уларни лагерга олиб келувчи сўқмоқдан, отиб ўлдирилган ҳолда топишарди. Ўлимга олиб келган вазиятни текшириш ҳеч бир натижа бермасди. Қотиллар, чамаси, жунглида ўзларини худди уйдагидек ҳис қилишар, қуюқ чангалзорлар ичра ҳамиша яширинишга улгуришарди.

Ярим тунда қўпориш ҳаракатлари ҳам содир бўлиб турар, тез-тез алоқа воситалари ва аппаратуралар ишдан чиқариларди. Чамаси, дивизионда тузум душманларининг ўз одамлари бор эди, аммо уларни жиноят устида қўлга олиш насиб этмади. Қолаверса, объектни қўриқлаш ҳам очиғини айтганда, жуда ёмон йўлга қўйилганди.

Бош ҳарбий маслаҳатчининг резиденцияси эса, аксинча, қурол-яроғдан ҳеч бир камчиликсиз эди! Сейфда граналар солинган қути, унинг ёнида 10 та Калашников автомати бўлиб, ҳар куни зобитлардан иборат навбатчилик ташкил қилинарди.

Мапуту нотинч бўлиб қолди, гоҳ шаҳарнинг аҳоли зич яшайдиган қисмида, гоҳ давлат муассасаси ёнида қўпорувчилик ҳаракатлари содир этиларди.

Шўро фуқароларига ҳужум қилиш ҳоллари ҳам юз бериб турарди. Масалан, 1980 йилда Бейра шаҳрида қароқчилар шўро ҳарбий таржимони ва уч маслаҳатчи ўтирган «уазик»ка рўпарадан ҳужум қилдилар. Хуллас, бу ҳақиқий уруш эди. Ва бизнинг одамлар бегона мамлакатда, уйдан олисда ҳалок бўлар эдилар.

Уйни шундай соғинар эдикки! Оғир иқлим шароити ва биз ўрганган озиқ-овқат маҳсулотларининг йўқлиги ҳам таъсир этарди. Шаҳарни маҳсулот билан таъминлаш ёмон аҳволда эди, озиқ-овқат дўконларига навбат бир километргача етарди. Вақти-вақти билан маҳаллий портга кириб турган шўро денгизчилари жонга оро киришарди. Улар ўз маҳсулотларини биз билан баҳам кўришар, ҳар доим кемага меҳмонга чақиришар эди.

Шўроларга қарашли кичкина ерда ҳаёт тарзимизни рангбаранг қилиш учун шанбалик ўтказиб, уй рўёсида қўлбола очиқ кинозал бунёд этдик. Энди бу ерда ҳафтада уч марта шўро фильмлари намойиш этилар, уни кўргани узоқ-яқиндан маҳаллий аҳоли келарди.

Бир-биримизникига меҳмондорчиликка бориб турардик, қўшниларимиз бўлган ҳарбий мутахассислар дастурхонида тўкинчилик эди. Мозамбикда шўро мутахассисларидан ташқари Болгария, ОДЖ, Куба ҳарбий маслаҳатчилари ҳам бор эди. Шароит шуни тақозо этганмиди, ҳар қалай, биз кўпроқ кубаликлар билан бордикелди қилардик. Ажойиб, очиқ чеҳрали бу йигитлар ҳаво ҳужумидан мудофаа гуруҳимиздагиларга ёқиб қолишган, улар ҳам бизга шунга яраша муомала қилишарди.

1981 йилга келиб, Жанубий Африка Жумҳурияти авиацияси тез-тез Мозамбик осмонида пайдо бўла бошлади. Дам-бадам бизни шошилинч равишда бўлинмаларга чақиришар— пойтахтга ҳаво ҳужуми кутилаётганини айтишарди. Разведкачи тайёралар Мапуту осмонида бамайлихотир учиб юришарди. Бригадамиз ракеталари уларни уриб туширишлари мумкин эди, албатта. Аммо... нишонни йўқ қилиш ҳақидаги қарорни Мозамбик халқ армияси Бош штаби бошлиғигина қабул қилиши мумкин эди. Бу ҳақдаги маълумот унга етиб боргунча, душман тайёраси аллақачон жуфтакни ростлаб бўларди (Руст билан юз берган воқеа ёдга тушади, беихтиёр).

Тўғри, 1982 йилда қўполдан-қўпол ахборот системаси ишлаб кетди ва бизнинг бригада учувчисиз жосус тайёрани уриб туширди. Бироқ бу воқеани одатий ҳол, деб бўлмасди.


Шартнома муддатим тугашига озгина қолганда (дарвоқе, мен бу шартномани ўрни-тагида кўрган эмасман), безгак билан оғриб қолдим. Бу касаллик Мозамбикда авжига чиққан бўлиб, эмлаш ҳам ёрдам бермаётган эди. Менинг омадим келди, врачлар вақтида хатардан воқиф бўлишди, зарур дори-дармонларни беришди ва мен, айтиш мумкинки, енгилгина қўрқув билан қутилдим. Ахир худди шу касалга йўлиқиб, Иттифоққа ногирон бўлиб қайтган йигитлар оз эмасди. Қисқаси, беҳуда пул тўлашмас эди...


Пул ҳақида бир оғиз сўз. Биз АҚШ доллари қиймати ўзгариб туришига қараб, 15000 дан 17000 метикалгача олардик. Маҳаллий мезонга кўра, бу анча пул эди. Агар таққослайдиган бўлсак, 1 кило мева 5-10 метикал, 1 кило гўшт 100-150 метикал турарди. Бир қути сигарет 15-25 метикал эди. Дарвоқе, бу ернинг тамакиси жуда хушбўй эди. Ундан кейин мен ўзимизнинг аччиқ тамакимизга ўргана олмадим ва чекишни мутлақо ташладим.

Ватанга қайтиш куним мен ва хотиним учун, ҳеч бир муболағасиз, энг яхши байрам сифатида бир умрга эсда қолган. Бизни жуда ҳурмат кўрсатиб кузатишди. Бригада қўмондонлиги ресторандан кичик зал олди, дивизион зобитлари менга ўз пулларига сотиб олган қора дарахтдан ясалган ҳайкалча совға қилишди. Қандайдир бир лаҳзада бу оддий, очиққўнгил одамлар билан хайрлашиш менга оғир туюлди, лекин... уйимни жуда қаттиқ соғинган эдим.

А. ЖУРАВЛЕВ ёзиб олди.

Суратчи қишлоқ кезади





Ёқилғи тугади...

Учрашув

Сураткашлар: Ж. ҚОЗОҚ ва Ж. БОБОРАҲМАТ.



Жумҳурият Ички ишлар вазирлигининг матбуот маркази хабар қилади

УЧ НАФАР милиция ходими касалхонага ётқизилди, яна икки ходим ҳалок бўлди. Атиги икки кун — 19-21 октябрь кунлари юз берган ҳодисаларнинг қайғули натижалари ана шундай. Тошкент шаҳар Ҳамза ноҳияси ички ишлар бўлимининг ходими, милиция капитани М. Юсупов қорнига пичоқ урилиши оқибатида ҳалок бўлди. Пичоқ урган кимса ушланди, тергов олиб борилмоқда. Самарқанд ноҳиясидаги қайиқчилар машқ қиладиган анҳордан Самарқанд вилоят ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси милиция 4-бўлими марказлаштирилган соқчилик пункти бошлиғи, милиция капитани Я. Раҳмоновнинг жасади топилди. У ҳам қорнига пичоқ уриб ўлдирилган. Қотиллар ҳозирча топилмади. Агар сиз шу ҳодисага дахлдор бирор маълумотга эга бўлсангиз, қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилишингизни сўраймиз: Самарқандда 33-33-36. Тошкентда 39-74-54. Билган маълумотларингизни хабар қилиш орқали сиз жиноятчиларни тезроқ топиш ва зарарсизлантиришга ёрдам берган бўласиз.

* * *

ОКТЯБРЬ ойининг йигирма куни ичида юз берган йўл-транспорт ҳодисаларида 185 киши ҳалок бўлди, 1157 киши жароҳатланди. Жабрланганлар сони кўпайишда давом этмоқда. 21 октябрь куни Фарғона ноҳиясида автомобиль ҳалокати рўй берди. Бу ерда Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг А. Ҳошимов бошқариб бораётган Т-28 трактори шу жамоа хўжалигида яшовчи С. Мақсумовнинг ВАЗ-2106 автомашинаси билан тўқнашиб кетди. Оқибатда икки киши ҳалок бўлди, икки киши касалхонага жўнатилди. Шу куннинг ўзида Денов ноҳиясида Сариосиё матлубот жамиятининг ГАЗ-67 автомашинаси шахсий «Жигули» билан тўқнашиб кетди. Бу ерда уч киши ҳалок бўлди, икки киши касалхонага жўнатилди.

* * *

ПОП ноҳиясидаги Олтинкон посёлкасида жойлашган ретрансляция пунктининг электромеханиги О. Мунипов безорилик қилгани, ўт қўйгани, қонунга хилоф равишда қурол сақлагани учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келади. Ярим тунда у кон бойитиш комбинатининг ходимаси Е.ни дўппослашга урингач, аёл қочиб кетишга муваффақ бўлганидан кейин эса, унинг уйига ўт қўйди. Милиция ходимлари қўлга олмоқчи бўлишганида у қирқма ов милтиғидан ҳавога ўқ отди. Фақат ўзининг отиб ташланиши тўғрисида огоҳлантирилганидан кейингина у таслим бўлди. Мазкур жиноий хатти-ҳаракатлар юзасидан тергов олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ахборот агентлигига ушбу хабарларни Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот-шўъбасининг бошлиғи, милиция подполковниги В. САФИУЛОВ берди.

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

Пестицидлар инсон саломатлигига қандай таъсир қилади? Ҳайвонот ва наботот оламига уларнинг таъсири қандай? ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирлиги иммунология илмгоҳининг Ўзбекистон бўлими Американинг «Тракор-Европа» фирмаси билан биргаликда ташкил қилган ва 28 октябрь куни Тошкентда очилган кенгаш ана шу ва илмий изланишларнинг бошқа туб муаммоларига бағишланди.

— Кенгаш кун тартибига қўйилган масалалар тупроқ ва суви пестицидлар билан булғанган Ўзбекистон учун ҳам, Ўрта Осиёдаги бошқа барча жумҳуриятлар учун ҳам долзарбдир, — деди иммунология илмгоҳи Ўзбекистон бўлимининг директори, профессор М. Н. Ризаев. — Экологиянинг ёмонлашуви инсон организмига, ўсимликларга, ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатмоқда. Инсон иммун системасига мазкур таъсир воситасини ўрганишда илмгоҳимиз олимларига «Тракор-Европа» фирмасининг Европа филиали билан ҳамкорлигимиз кўп даражада ёрдам бермоқда. Фирманинг Голландияда жойлашган мазкур бўлими бизга ажойиб асбоб сотиб олиш имконини берди. Бу асбоб ёрдамида биология объектларидаги пестицидлар миқдорини аниқлаш мумкин. Бундан ташқари фирма ходимларимизнинг АҚШга бориб ўқишини ташкил қилди.

Биз «Тракор-Европа» фирмаси билан алоқаларни янада кенгайтириш ниятидамиз. Хусусан, Тошкентда табобат ускуналари кўргазмаси ташкил этиш тўғрисида битим тузилди, кейинчалик эса қўшма корхона барпо қилишни мўлжаллаяпмиз.

(ЎзТАГ).

20 йил ҳам ўтгани йўқми?

«Д' Артаньян ва уч мушкетер» оммабоп мусиқали фильмини анчадан бери ойнаи жаҳонда кўрганим йўқ. Унинг худди китобдагидек давоми бўладими?.

Е. МАРКОВА.

Ҳаётда иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ: ҳозирданоқ режиссёр Г. Юнгвальд-Хилькевич Одесса киностудиясида А. Дюма асари асосида «20 йил ўтгач» мусиқали фильмини суратга туширишга киришди.

Фильмда томошабинлар ўзларининг севимли актёрлари Михаил Боярский, Вениамин Смехов, Игорь Старигин, Алиса Фрейндлих, Алексей Петренколар билан учрашадилар.

Фиджида ҳаммаси жойидами?

Боламни эмлатмасликка қарор қилдим. Бу тўғрими ёки нотўғрими билмадим-у, лекин қизимни СПИД билан касалланишидан жуда қўрқаман. Ғарбда эмлаш ҳақидаги аҳвол қанақа!

А. СИНЕЛЬЩИКОВА.
Уфа.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, сил, бўғма ва полиомелитга қарши энг кам эмлаш Нигерияда 25, 12, 11 фоиз амалга оширилар экан. Бу соҳадаги иш Фиджи оролларида яхши йўлга қўйилган бўлиб, деярли барча болалар эмланар экан.

Тиббиёт ходимларининг ҳисоблашларича, эмлашни албатта амалга ошириш керак, чунки, у сил ва полиомелит билан касалланишнинг деярли бутунлай олдини олар экан.

Болалар учун бундай касаллик жуда хавфли бўлиб, дунёда бусиз ҳам болалар ўлими кўпдир. Бунда туғилган ҳар минг боладан 173 нафари вафот этаётган Мозамбик аянчли биринчиликни эгаллайди.

Дарвоқе, СПИД ҳақида. Муштарий бекорга хавфсирамаяпти, чунки Ер юзида ҳозир етти юз мингга яқин болага бу вирус юққан. 2000 йилга келиб СПИД билан оғриган болалар сони ўн миллион нафаргача кўпаяди, деб ҳисоблашмоқда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари.

Микрофон ҳаммадами?

Жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг сессияларида овоз қандай берилади!

Илгаригидек эскичами!

И. БОЛДИН.
Тернополь.

Қозоғистон ССЖ ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашининг депутатлари иккинчи сессиясининг очилишидан икки кун илгари ўз иш жойларига келиб ўтирдилар.

Улар мажлислар залига компьютер ҳисоб системасидан қандай фойдаланиш йўлини ўрганиш учун тўпланишди.

Депутатлар учун берилган сабоқ бир академик соатдан ошди. Бу вақтда залда ҳозир бўлганлар система жуда яхши ёрдам беришига — вақтдан ҳам ютишга ишонч ҳосил қилишди.

Дарвоқе, микрофонлар ҳақида. Депутатлар залга ўрнатилган микрофонлар олдига бориб, навбат кутиб турмайдилар. Депутатлар сони қанча бўлса, ўтирган ўриндиқ тўғрисига шунча микрофон ўрнатилган.

Дирижабль жосусми?

ССЖИнинг ҳаво сарҳадлари тез-тез бузилиб турадими! Ёки бунинг зарурати йўқми! Коинотдан туриб, ердаги машиналарнинг номерини ҳам суратга оладиган самовий кемалар бор деб эшитганман, шуларнинг ўзи етарлими!

Г. КУЗИН.
Брянск.

— Албатта. Сунъий йўлдошлардан беркиниб бўлмайди, — деб ҳисоблайди «Комсомольская правда» рўзномасининг ўз мухбири О. Шоповалов. — Лекин улар разведка мақсадларида фойдаланиладиган ягона учувчи аппаратлар эмас. Ерга қанча яқин бўлинса, олинадиган ахборот ҳам шунча тўлиқ бўлади. Кўпчилик бизнинг осмонимизда унча баланд бўлмаган юқориликда жосус-аэростатлар кезиб юришини эшитиб ҳайрон қолса керак. Бундай учувчисиз аэростатларни қирувчи-учувчиларнинг гапларига қараганда, уриб тушириш бир мунча қийин.

Бу аппаратлар ўта замонавий материаллардан ясалган, мураккаб электроника билан таъминланган, ялмоғизлардек жони қаттиқ. Аэростатни тўп ўқи ёки снаряд билан тешиб юборсангиз ҳам тешилган жой ҳеч нарса бўлмагандек томонлари қайта тортилиб, «бекилиб» қолаверади ва учишни давом эттираверади. У учиш баландлигини ва йўналишини ўзгартириши мумкин.

Бир сафар снаряд парчаси аэростатнинг таъминлаш блокига теккан ва «разведкачи» портламасдан Тайгага қулаб тушган.

— Разведкачи аппаратнинг қисмлари дарҳол Москвага олиб кетилди, дейди шу воқеа қатнашчиси майор Широченко. — Маълум бўлишича, аэростат бизнинг мамлакатимиз устида минглаб километр — Кольск ярим оролидан Ёқутистонгача учиб борган ва йўлда Широченкога рўбару бўлмаганида албатта бемалол Япониягами ёки бошқа жойларгами учиб кетган бўлар эди.

ТВ

1 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Мусиқа дарси. 12.00 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Бувимнинг сандиғи», «Бир ғишт тавсифи». 12.30 Табиатшунослик. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Грета» вилласининг сири». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Қанотсиз ўрдакча». Мультфильм. 18.20 «Фанга бағишланган умр». ЎзССЖ ФА мухбир аъзоси Т. Н. Долимов. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ёшлик оқшоми». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Унутилмас сатрлар». Мискин. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессиясида. 23.00 Ўзбек халқ классик қўшиқларидан концерт. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Жарликлар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 10.20 Футбол. «Футбол қироли» Пеленинг 50 йиллиги шарафига матч-бенефис. Италиядан кўрсатилади. 12.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 13.00 «Вақт». 13.40 Коллаж.

* * *

16.30 «Мусиқий хазина». С. Рахманинов. 2-ми минор симфонияси. Э. Литтон (АҚШ) раҳбарлигидаги ССЖИ Давлат академик симфоник оркестри ижро этади. 17.30 «Қувноқ стартлар». 18.15 «..16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 «Вақт». 19.30 «Коммунизмдан сўнг». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Узоқ Шимолдаги озчиликни ташкил этган халқларнинг муаммолари ҳақида (Иркутск). 19.50 Футбол. «Футбол қироли». Пеленинг 50 йиллиги шарафига матч-бенефис. Италиядан кўрсатилади. 21.30 «Вақт». 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 «Эфирда мусиқа». Сайланмалар. 22.45 Олам кинокамера кўзгусида. «Руслар Парижда». 23.45 «Ту-пицца» мусиқий дам олиш программаси. 01.00 «ТСН».

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ТАЙЁРЛАГАНЛАР

Рўзноманинг бу сони «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда» материаллари асосида тайёрланган. Тайёрлаганлар: З. РИХСИЕВ, Т. НАЗАРОВ, К. РАҲИМОВ, А. КАРИМОВлар.

Рўзноманинг бу сонига масъул котиб ўринбосари Р. ШАРОПОВ, шикоят, хат ва оммавий ишлар бўлими мудири С. СИРОЖИДДИНОВ, мухбир М. ҚУРБОННИЁЗОВА, мусаҳҳиҳлар Ҳ. СУЛТОНОВА, С. СОЛАЕВА, У. ЖАМОЛОВА, Ф. АЛИМОВлар навбатчилик қилишди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Индекс: 64607.

Д. — 28606.